


496

2015/2

GULISTON

3RS
No 1





Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашариёт ривожига қўшган хиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Ислом КАРИМОВ

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Bosh muharrir:

Minhojiddin MIRZO

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jalolbek YO'LDOSHBKOV

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Bahrom BOBOJONOV

navbatchi muharrir:

Temur A'ZAM

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

*O'zbekiston Yozuvchilar
uyushmasi raisi*

Fotih JALOLOV

*O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport ishlari
vazirining birinchi o'rinbosari*

Suvon NAJBIDDINOV

«Matbuot tarqatuvchi»

AK Bosh direktori

Abduvahob NURMATOV

*Andijon viloyati hokimligi
mas'ul xodimi*

Baxtiyor SAYFULLAYEV

*O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat instituti rektori*

Norbek TOYLOQOV

*Pedagogika fanlari doktori,
professor*

Rustam QOSIMOV

«O'zbekiston pochta»

OAK Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz
guliston_j@exat.uz

Муқовада:

1-бет. Машраб Нуриноев олган
фотолаваха.

USHBU SONDA:

J Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Xurshid FAYZIYEV
Sohibqiron dahosiga
ehtrom

Zamira AZIMOVA
E'tibor va e'zoz

Nilufar HAYITOVA
San'atning sirli
olami ostonasida

Muhammad QURONOV
Bolam baxtli bo'lsin
desangiz

Orziqul ERGASH
To'y oqshomida

Xurshid ORIPOV
«Tinglagil, nay ne
hikoyatlar qilur...»

300
№ /

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli
guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.



«Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 63. Adadi: 1128 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq.
Bosmaxonaga 15.04.2015-yilda topshirildi. Bosishga 15.04.2015-yilda
ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi,
41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Mezon Print» XK bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahri, Kichikbeshyog'och ko'chasi, 130-uy.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислон Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ислон Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислон Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».


Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпик, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз давлатимиз сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Сайловчилар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

ЎЗА



ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар, муҳтарам Олий Мажлис депутатлари!
Қадрли меҳмонлар!

Аввало, сиз, ҳурматли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланишимга ўз ишончини билдирган юртдошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларимга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, ҳаммангизга соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайман, қалбимдаги энг эзгу орзу-тилақларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Менга билдирилган ишончни ўзим учун аввало улкан масъулият ва катта шараф деб биламан ва яна бир бор айтмоқчиман — бундай юксак, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган халқ ишончини оқлашга, бажо келтиришга бутун борлигимни сафарбар қиламан.

Қадрли дўстлар!

Биз эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, биз учун янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, амалга ошираётган қатъий ўзгариш ва ислохотлар натижасида бугун эришаётган юксак марра ва ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Буларнинг асосий омили ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда «Ўзбек модели» деб ном олган, машҳур беш тамойил — принципга асосланган, тадрижий-эволюцион, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу моделнинг афзаллиги ва бугун ўзини бутунлай оқлаганини Ўзбекистонга хос бўлган турли табиий, тарихий, миллий, демографик ва экологик хусусиятларни тўла ҳисобга олганида кўраимиз.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу соҳада аренда — ижара мулкига асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берганимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганимиз эвазига бу ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, яқин тарихимизда ўчмас из бўлиб қолади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Фермер хўжалиқларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат 90-92 фоизини ишлаб чиқармоқда, балки қишлоқ ҳаётининг тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Ёки бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолимизнинг 75-77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган ана шундай кўрсаткич ва рақамлар биз олиб бораётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, эртанги кунимиз, тараққиётимиз йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиши муқаррар.

Шуни тўлиқ асос билан айтишимиз мумкин — айни шу каби ислохотларни амалга ошириш ҳисобидан биз Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Яъни, охириги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётгани ва 2015 йилда ҳам — шунга

ишончимиз бор — бундан кам бўлмаслигини инобатга олсак, барча нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамыз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир.

Аммо шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, бир аччиқ ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимизни истар эдим. Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл кўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз XXI асрда — интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бунинг устига, жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётгани, рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани барчамиздан аввало бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб қилади.

Шу борада амалга ошираётган ишларимиз қаторида ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамизга айланмоқда, десам, янглишмаган бўлам.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тўсиқ бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўз ечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислохотларни янги, юксак босқичга кўтариш — айтиш мумкинки, бу соҳаларда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини таъминламасдан туриб, яъни ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технологик ва техник нуқтаи назардан янгиламасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам эртанги кунни, келажак истиқболимизни ўйлайдиган бўлсак, бугун иқтисодиётимизда амалга ошираётган кенг кўламли ислохотларни, авваламбор, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, янги, замон талаб қиладиган даражага кўтариш масаласини ҳал қилмасдан туриб, очиқ айтишимиз керак, биз ўз мақсадларимизга — тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтарилишимиз ҳақида гапиришнинг ҳожати қолмайди.

Биринчи навбатда Конституциямизда муҳрлаб қўйилган кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш — биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.

Айтиш керак — ўтган йиллар давомида мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ва кафолатларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёзларни яратиб бериш бўйича кўпгина ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Лекин, минг афсуски, хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан устуворлиги барчамиз учун аён бўлишига қарамасдан, бу йўналишда амалга ошираётган ишларимиз, аввало, мулкдорларга эркинлик бериш масалалари тўла ечилмаяпти, ўзининг кутилган самарасини бермаяпти.

Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрнини

стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз даркор.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа — маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидадан воз кечиб, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифа ва ваколатларни аниқ белгилаб қўйишимиз, савдо операцияларини, чакана савдодан ташқари, асосан биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз керак.

Шулар қаторида корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятига ҳам кўпгина хорижий фирма ва компаниялар тажрибаси асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчиликнинг энг маъқул, самарали, ўзини оқлаётган йўлидир. Бунинг афзаллиги шундаки, хорижлик акциядорлар — муассислар қўшма корхоналарга аввало илғор, юқори технологияларни олиб келиш билан бирга, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий этади.

Шу аснода биз хорижий давлатлар ва компаниялар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш учун очиклигимизни билдириб, бу борада янги йўл ва имкониятлар очиб беришга тайёرمىз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшилиасиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ва 2015 йил ҳамда келгуси йиллар учун белгилаб олган айти шундай ислохотларимизни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини давом эттиришимиз, ҳеч шубҳасиз, давлат бошқаруви таркибини ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янги босқичга кўтаришга, жаҳон миқёсида Ўзбекистонимизнинг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Қадрли дўстларим, юртдошларим!

Рухсатингиз билан яна бир ўта муҳим ва барчамизни ўйлантирадиган масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан. Яъни, бугунги кунда барчамиз қандай ўта таҳликали, тобора кескинлашиб бораётган, турли хавф-хатарларни олиб келиши мумкин бўлган замонда яшамокдамиз.

Айти шундай вазиятни ҳисобга олиб, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, халқимизнинг осуда ҳаётини, чегараларимизнинг дахлсизлигини асраш мақсадида биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар билан дўстона муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз, деб билишимиз керак.

Яна ва яна бир бор айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан — Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блока кўшилмайди, ўз худудида чет эл ҳарбий базаларини жойлаштиришга, бизнинг ҳарбийларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди.

Бугун яқин атрофимизда вужудга келаётган ўта мураккаб вазиятда айти шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул, деб биламиз. Илгари ҳам айтганимдек, бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, бунинг учун курашишимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларга, уларнинг мана шу залда ўтирган вакиллариغا, барча чет эллик меҳмонларимизга ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Менинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча давлат раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур миннатдорлик билдираман.

Менга юксак ишонч билдирган она халқимга бош эгиб, яна ва яна бир бор таъзим қиламан.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш — мен учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Доимо соғ-омон бўлинглар, қадрдонларим!

SOHIBQIRON dahosiga ehtirom

Мустақилликка эришганимиздан сўнг маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнида Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймоси ҳам тикланди. Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат фалсафаси сифатида қадр ва эъвоз топди. Шу боис ҳар йили Соҳибқирон таваллуд топган кунни халқимиз улуг аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида кенг байрам қилади.

Негаки, Амир Темур нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки ўз вақтида жаҳонда рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатган, дунё ободлигига беқиёс ҳисса қўшган бунёдкордир.

Ўзбек давлатчилиги тарихида Соҳибқирон Амир Темур барпо этган буюк давлатнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир. Президентимиз Ислам Каримов ибораси билан айтганда: «...Буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Улуг аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади».

Халқимизнинг бу улуг зотга эҳтироми рамзи сифатида пойтахтимиз Тошкент, шунингдек, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибқироннинг муаззам ҳайкаллари бунёд этилди. Соҳибқироннинг бизга қолдирган мероси ҳали хануз дунё аҳлининг эътиборидадир. Зеро, 1996 йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нафақат Ўзбекистонда балки дунё миқёсида кенг нишонланганлиги ҳам бежиз эмас.

Амир Темурнинг илм-фан, маориф ва маданиятни ривожлантиришдаги улкан хизматларини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО Бош конференцияси 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллигини жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1996 йил мамлакатимизда «Амир Темур йили» деб эълон қилинди. Шу йили Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилиб, музейнинг очилиш маросими умумхалқ байрамига айланиб кетди.

Музей биноси ўзида темурийлар даври ва замонавий меъморчилик санъати услубларини мужассамлаштирган. Бино Амир Темур давридаги саройлар кўринишида қурилган ва унинг ўзи бир асардир. Мазкур музей мустақиллик даврида бунёд этилган энг ноёб иншоотлардан бири бўлиб, замонавий меъморчилик талабларига тўла жавоб беради.

Музей очилганидан буён зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Шуниси қувонарлики, музейга келувчиларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Меҳмонларнинг таклиф ва мулоҳазалар китобига ёзиб кетаётган дил изҳорларини бирма-бир ўқир эканмиз, Президентимизнинг унда муҳрланган «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак», деган сўзлари кўнглимизда гурур ва ифтихор уйғотади.

Ҳақиқатан ҳам, шарқона услубда ҳозирги



шарт-шароитларга мослаб қурилган бу бино ўзининг салобати, гўзаллиги, нафис безаклари билан ҳар қандай ташриф буюрувчини лол қолдира оладиган сифатларга эга.

Музейнинг асосий мақсади Амир Темури ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз, анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир.

Шунингдек, тарихий, маданий, маърифий йўналишларда илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, республика ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини темурийлар даври тарихи билан таништириш, тегишли манбаларни тўплаш бўйича республика ва чет элларда изланиш ишларини олиб бориш, Амир Темури ҳамда темурийларнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ҳамда топилмалар асосида ўзбек халқи тарихини ёритувчи доимий ҳамда вақтинчалик экспозиция ва кўчма кўргазмалар ташкил этиш қабилар ҳам музейнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Музей «Давлат ноёб илмий объектлари» рўйхати-га киритилган бўлиб, унинг хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи 5 мингга яқин ашёлар сақланади. Булар — Амир Темури ва темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, олтин, кумуш ва мис тангалар, Амир Темури мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX-XX асрларга оид китоблар, этнографик буюмлар. Ҳозирги кунда музей экспозициясидан 2000 дан ортиқ экспонат жой олган. Музей ташкил этилганидан буён 2 млн. дан ортиқ томошабин ташриф буюрди.

Музейда «Фондлар ва архив», «Маънавият ва маърифат», «Экскурсиялар», «Экспозиция ва кўргазмаларни илмий лойиҳалаш ва бадий безаш» каби бўлимлар мавжуд бўлиб, у илмий-тадқиқот муассасаси сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида фаолият юритади.

Ушбу бино нафақат музей сифатида, балки Амир Темури ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи илмий марказ сифатида халқимизнинг давлатчилик тарихини ёритиб берувчи, аждодларимизнинг бой моддий ҳамда маънавий меросини ўзида мужассамловчи ва илмий тадқиқ этиб, келажак авлодга етказувчи ягона объект ҳам ҳисобланади. Музейда «Темурийлар даври ренессанси» (2003-2007), «Темурийлар даври ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши» (2007-2011), «Ўзбекистон тарихига оид маданий-маънавий мероснинг хорижга тарқалиши ва уларнинг ватанимиз тарихини ўрганишдаги ўрни» (2012-2013) мавзуидаги фундаментал лойиҳалар устида муваффақиятли иш олиб борилди. Ҳозирги кунда «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти» мавзусидаги фундаментал лойиҳа устида ишланмоқда. Музейда ҳар икки йилда темурийлар даври тарихининг долзарб масалаларига бағишланган Республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш анъанага айланган бўлиб, тўпланган материаллар асосида «Темурийлар даври маданий ёдгорликлари», «Амир Темури ва

темурийлар даври: янги тадқиқотлар», «Темурийлар салтанатида давлатчилик ва ренессанс», «Темурийлар тарихига оид манбалар», «Темурийлар тарихига оид манбалар: тавсиф, таржима, тадқиқот», «Амир Темури ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият» «Темурийлар даври: тадқиқотлар ва муаммолар» каби тўпламлар нашр этилган.

Ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг даҳоси ва мероси билан фахрланиш руҳида тарбиялаш, улардаги миллий гурури ҳиссини юксалтириш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир. Ана шу мақсадда ўзбек халқи давлатчилик тарихини, темурийлар даврини, анъана ва қадриятларимизни акс эттирувчи 60 дан ортиқ кўргазмалар ташкил этилди.


Халқимизнинг бой моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиш мақсадида музей ўз экспонатлари билан халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этмоқда. Ўтган йиллар давомида Франция, Германия, Австралия каби давлатларда ўтказилган кўргазмаларда музейнинг ноёб экспонатлари намойиш этилди. Шунингдек, музей залларида халқаро кўргазмалар ташкил этилиши анъанага айланди.

Шуниси эътиборлики, мамлакатимизга ташриф буюрган кўплаб хорижий давлатларнинг арбоблари, расмий делегациялар аъзолари халқимиз ўтмиши, маънавий мероси, хусусан, Амир Темури ва темурийлар даври тарихига катта қизиқиш билан қарагани туфайли, албатта, музейимизга ташриф буюради. Ўтган давр мобайнида музейга жаҳоннинг турли давлатларидан 800 га яқин расмий меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари, БМТ, ОБСЕ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрдилар ва «Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га ўзларининг таассуротларини, самимий дил сўзларини ёзиб қолдирдилар. Улар асосида музейда «Дастхатлар» кўргазмаси яратилган.

Келгусида музейнинг мамлакатимиздаги Амир Темури ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи ҳамда тарғиб қилувчи асосий маънавий-маърифий, илмий марказ сифатидаги ўрнини кучайтириш, музей экспозициясини темурийлар даври тарихига оид янги топилган ёдгорликлар билан бойитиш, чет элдаги нуфузли музейлар билан алоқаларни янада кенгайтириш олдимизда турган энг муҳим вазифаларимиз ҳисобланади.

Бугун мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислохотлар моҳиятида, аввало, Ватани севиш, уни асраш ва обод қилиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ёшларни чинакам камолот эгалари қилиб тарбиялаш ётади. Бунда эса буюк аждодларимизнинг даҳоси, маънавий мероси, эзгу даъватлари муҳим рол ўйнайди. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Амир Темурни англаш — ўзликимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».

Хуршид ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Темурийлар тарихи давлат музейи директори



*Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга
эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш
халқимизнинг ўзига хос энг ифзал
қадриятларидан бири ҳисобланади.*

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ишлар кўлами ва сифатини янада ошириш учун имкон яратади.

Бу борада қабул қилинган Давлат дастури катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, у, сўзсиз, ёши улуғ инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийларининг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бирга, улар учун яратилаётган имтиёзлар кўламини ҳам кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, шубҳасиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровонлик, давлатимиз юритаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир. Ўз юртида қадр топиб, иззат-икромга эга бўлмоқ инсон учун чинакам бахт. Бугун мамлакатимиздаги кексалар қалбида шундай сурур бор.

Инсоннинг умр йўли ҳикмат. Кўпни кўрган кексалар ўз тажрибасидан келиб чиқиб насиҳатлар қилади. Шу сабаб, қийинчиликка дуч келсак, биринчи галда улардан маслаҳат оламиз. Фарзанд тарбияси масаласида ҳам кўпроқ уларга таянамиз. Айниқса, уларнинг дуосини олиб иш бошласак, хайрли бўлади. Нуруний отахон, онахонларимизни эъзозласак қалбимизда ҳаловат, ишимизда барокат бўлади. Бу билан ёшларга ўрнак бўламиз.


Кексаликнинг гашти бор. Узоқ йиллик меҳнатларнинг самарасини кўриш, фарзандлар, нева-эваралар ардоғида, давлатнинг эъзозида бўлиш улар учун бир олам фахр, ифтихор. Ота-оналаримизни зиёрат қилгани борсак, дуо билан кутиб олиб, дуо билан кузатишади. Дуоларида, албатта, шукроналик билан бирга, юртга тинчлик, элга омонлик сўралади. Биз учун оддий туюлган бундай дуоларда ҳикмат кўп.

Психологияда ҳар бир ёш даври гуруҳларга бўлинади. Бу бўлиниш одам умридаги биологик, психологик ва ижтимоий жараёнлардан келиб чиқади. Психологик давр сифатида қарилик ҳаётнинг улуғлик қисмидир. Ёш бўйича қариликнинг аниқ чегарасини белгилаш қийин. Чунки ҳар бир одамнинг организмидagi қарилик белгиларининг пайдо бўлиши индивидуал ҳодиса. Кимдир қирқ ёшда ўзини қаридек, ҳеч нарсага ярамайдигандек ҳис қилса, кимдир 70-80 ёшда ҳам куч-ғайратга тўлиб, ўзининг ва атрофидаги одамларнинг ҳаётига кўпгина ижобий муносабатлар ҳамда ҳис-туйғуларни олиб кира оладилар.

Қарилик даврида одамнинг характерида, шахс структурасида ўзгаришлар кузатилади. Кимдир юмшаб, бағрикенгликка қараб ўзгариши мумкин. Бошқа бир тоифа одамларда яна ўзгача ҳолатлар кузатилади.

Баъзилар ҳаёт йўлига назар солиб, нималар қилишга улгургани, нималар қилиши керак эдию имкони бўлмагани, қандай саволларга жавоб олгани, умуман ўз ҳаёти ҳақида яхши хулоса чиқариши ва яна нималарни ўзгартириши мумкинлигини ўйлаб

Е'тибор ва е'зоз



кўради. Бундай одамларда кўпинча ижобий ўзгаришлар бўлиб, шахсидаги салбий сифатларнинг ижобий томонга ўзгариши кузатилади. Ичидаги хафаликларни енгиб, ҳаётнинг бу давридан завқланиб, хурсанд бўлиб, шукроналик билан яшаш иштиёқи шаклланади. Шу тоифадаги одамлар, аввало, руҳан соғлом, улуғ ёшларда ҳам кучли, шижоатли бўлади.

Инсон ўз умри давомида турли руҳий кечинмалардан, ҳар хил муносабат ва вазиятлардан ўтади. Шу боис, аждодларимиз азалдан берилган ҳаётни мазмунли ва яхши амаллар билан яшаб ўтишга, ҳар бир ишда виждониغا қулоқ солиб қарор чиқаришга, ёмон амаллардан тийилишга, кечиримли, бағрикенг бўлишга ҳаракат қилганлар. Албатта, бундай яшаган инсонлар қалбида ҳаётга чексиз муҳаббат билан бирга, умр йўлидан розилик туйғуси кучли бўлади.

Кексалик даврининг етакчи сифати ҳаётий тажрибанинг, билим ва маълумот захирасининг тўплангани, етилганидир. Бу тажрибани тўплаш учун ота-хон ва онахонларимиз қанча соғликлари, асаблари, руҳий қувватларини сарфлашган. Бу меҳнатлари учун ҳам улар эъзозга лойиқдир. Шунинг учун ҳам кексаларга эътибор мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида.

Асрлар оша ҳар бир миллатнинг қадриятлари шу миллат учун муҳим бўлган тушунчаларни сақлаб қолишга, уларни ҳурмат қилиб, уларга асосланиб яшашга ўргатган. Кексаларни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш бизнинг энг юксак қадриятимиздан бири саналади. У юксак маънавиятимизнинг ажралмас бўлагидир.

2015 йилнинг мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилингани, бу борада махсус Давлат дастури қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани, шубҳасиз, нуронийларимизнинг ёшига ёш, умрига умр қўшмоқда. Қолаверса, бугунги кунда Ўзбекистонда ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган бу каби эътибор ҳамда эҳтиром бутун дунёга ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Замира АЗИМОВА,
руҳшунос





SAN'ATNING SIRLI OLAMI OSTONASIDA

Санъат — ўрганилгани сари сир-асрорлари тугамайди, инсонни бир умр изланишга, яратишга, ўз кўнглини тадқиқ этишга ундаб турадиган ғаройиб соҳа. Бинобарин, бу тубсиз денгизда сузмоқ учун кишидан билим, салоҳиятдан ташқари санъатга сўнмас муҳаббат, ижодга иштиёқ ва бой тасаввур талаб этилади. Ахир, сахнада бировнинг тақдирини ўзиники қилиб яшаш ҳам, бу «яшаш»нинг моҳиятини англаб етиш ҳам осон эмас. Энг муҳими, юртимизда санъатга, унинг ривожига давлат миқёсида эътибор кўрсатилаётгани ёшларимиз қалбида бу соҳага бўлган қизиқишнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан юксак мезонлар асосида замонавий бинолар, ўқув лабораториялари ҳамда жиҳозлари билан таъминланган, фаолияти янги босқичга кўтарилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳам юрагидега санъатга иштиёқ ўти гуриллатган ёшларни жамлаган илм масканидир. Талабалар билан суҳбатлашиш асосида, уларнинг ҳар бири ўз овозига эга бўлиш, ўз сўзини айтиш, «йилт» этган истеъдодини устозлар малакаси ва тажрибаси асосида бойитиб, ўқиш-изланишга ҳаракат қилаётганига амин бўлдик.



**Мафтун
МУҲАММАДАМИНОВА:**

— Ҳаётда ҳаммининг ўз вазифаси бор. Бу азалий ва абадий қоида. Бироқ алломаларимиз ҳаёти, ижодини ўрганганда, улар фақатгина ўзларининг эмас, балки юзлаб, минглаб инсонларнинг ҳам вазифасини бажарган, дегинг келади. Дарҳақиқат, бу сахнада ҳамма ўзини кўради: яхши ҳам, ёмон ҳам. Сенинг ҳаётингни ўзингдан-да ишончлироқ, жозибалироқ ва энг қизиғи, таъсирчанроқ кўрсатган инсонни — ижодкорни бошқалар дарди билан яшамапти, дейиш инсофсизлик бўлади... Устозларимизнинг сабоқлари бизни санъатга шундай меҳр ва ҳурмат билан қарашга ўргатади.

Драматургия, таъбир жоиз бўлса, икки уммон туташган нуқта. У бир вақтнинг ўзида адабиёт қоидаларига ҳам, сахна мезонларига ҳам бўйсунди. Драматургиянинг сир-асрорини эгаллаш учун истак, қобилят, фикрлаш салоҳияти, билим, ҳаётий

тажриба ва бошқа яна жуда кўп, жиддий, давомли изланишлар керак. Аслида бу ҳар қайси ижод турининг азалий талаби. Мен шунинг учун ҳам магистратура босқичида ўқиб, драматургияни чуқурроқ англаш учун назарий адабиётлар билан танишяпман. Бизнинг давр — эзгу интилишларга қанот берадиган, истеъдодни кенгроқ намоён этишга имконият берадиган давр. Бинобарин, биз ўз олдимизга ана шу ишонч ва ғамхўрликка лойиқ бўлиш талабини кўйишимиз керак, деб ўйлайман.



**Шохрух
АБДУРАСУЛОВ:**

— Театрга шунчаки кўнгилочар маскан сифатида қарайдиганлар ҳам бор. Тўғри, сахна санъати томошабинга завқ беради, уни бир дам бўлса-да, ҳаёт ташвишларини унутишга, завқланишга, ўзгалар дардига шерик бўлишга ундайди. Лекин театр — фақатгина томоша эмас, Маҳмуджона Бехбудий таъриф

берганидек, ибратхона ҳамдир. Театр сахнасида нафақат тарих, балки бугунги давр руҳи, замонамиз қаҳрамонлари, келажақ нафаси, шунингдек, ҳаётнинг долзарб масалалари акс этади. Шу хусусияти билан у ижтимоий салмоқ касб этади. Зотан, чинакам сахна асари — давр маҳсули. У келажагини ўз даражаси билан қуради. Саҳнанинг ана шундай ўзига хосликлари моҳиятини аниқлаш, тубига етиш — театршунос мутахассисларнинг муҳим вазифаси саналади. Албатта, ҳар қандай соҳада бўлгани сингари, санъатшуносликда ҳам ўз сўзини айта оладиган тадқиқотчи бирданига шаклланиб қолмайди. Бунинг учун узоқ йиллик машаққатли изланиш, кунт ва ҳафса керак. Қувонарлиси, юртимизда ёш олимларга ғамхўрлик кўрсатилаяпти, уларнинг фақатгина мамлакатимиз миқёсида эмас, халқаро кўламда ютуқларга эришиши учун зарур шароит яратилаяпти. Мен ҳам сахна санъатининг ривожланиш истиқболларини ўрганишни ният қилганман. Ҳозир магистрлик диссертацияси устида ишлаяпман, айна пайтда илмий изланишларимни докторлик диссертацияси билан давом эттириш мақсадим ҳам бор. Устозларимнинг уқтиришича, бунинг учун театрга росмана муҳаббат қўйиш, сахнанинг ташвиши, ўй-хаёли билан яшаш керак.

Азиз МАТЁҚУБОВ:

— Болалигимдан санъатга ҳавасманд бўлиб ўсдим. Талаба бўлганимдан кейин билдимки, ижоднинг моҳиятига етиш учун ҳаваснинг ўзи етарли эмас, кучли иштиёқ ва чуқур билим ҳам керак экан. Санъат мудом жонли жараён, уни тирик вужудга ўхшатиш мумкин. Санъатшунос мутахассис эса худди шифокордек бу вужуднинг қайси аъзоси рисоладагидек ишламаяпти,



қандай хасталикка учраган, нима қилса, тузалади — шу каби саволларга жавоб излайди.

Энг қизиги, санъат оламининг янги-янги саҳифаларини очиб борганинг сари қалбингни шундай завқ эгаллайдики, ўзинг билмаган ҳолда навбатдаги саҳифаларга шўнғиб кетасан. Улуғ файласуф Гёте санъатга «қийин ва эзгу ишлар билан шуғуллани», деб таъриф берган. Чиндан ҳам, санъат миллионлаб қалбларга кириб боради, ботинан таъсир ўтказиб, инсонни руҳан покланишга чорлайди.

Гулмира ДЎСАНОВА:

— Авваллари психолог ёки шифокор бўламан, деб орзу қилардим. Назаримда, бу соҳалар инсонни ўрганишнинг икки йўналиши эди. Тақдир тақозоси билан санъат институти талабаси бўлганимдан кейин билдимки, санъат ҳам одамни билишнинг энг самарали воситаларидан бири экан. Масалан, драматург асарида агроном образини тасвирляпими,



демак, у, албатта, бу соҳани чуқур билиши керак, йўқса, томошабинни ишонтиролмайди.

Саҳна сирларини беминнат ўргатаётган устозларимиз — Усмон Азим, Маъмур Умаров, Бахтиёр Ёқубов ва бошқалардан миннатдоримиз. Уларнинг ўргатишича, театр санъатининг ўзига хослиги шундаки, томошабинга ҳеч нарсани изоҳламасдан барчасини ҳаракатларда тушунтиради. Қаҳрамонларнинг қайғу-алами ва изтиробини ҳам, қувончу шодлигини ҳам баён қилиниши, изоҳланиши эмас, кўрсатилиши керак. Бу эса актёрдан қанчалик маҳорат талаб қилса, драматургдан ҳам шу қадар билимдонлик ва узоқни кўра билишни тақозо этади.



Хуснилло ЖОМОНҚУЛОВ:

— Адабиётга болалигимдан қизиқаман. Илк ижодий машқларимни кўриб берган устозим Олимжон Жўраев кўп ўқиш, изланиш зарурлигини уқтирган. «Кўзмунчоқ» номли шеърини китобим босмадан чиққанда ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилгандим. Энди билсам, шу вақтга қадар ўқиганларим ҳам, ёзганларим ҳам жуда оз экан.

Бир нарсани мени қувонтиради. Тенгдошларим, гарчи ҳали санъат оламининг остонасида турган бўлсада, дунёнинг энг пешқадам театрлари, энг машхур драма асарлари ҳақида суҳбатлашади, баҳслашади. Назаримда, бу уларнинг ёруғ келажагидан аломат. Чунки бугун мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятларнинг чегараси йўқ. Биз улардан оқилона фойдалансак, Ватанимиз, ота-онамиз, устозларимизнинг билдирган ишончини оқласак, халқимиз олдидаги муқаддас фарзандлик бурчини бажарган бўламиз. Шу маънода, ўз олдимга танлаган касбимнинг яхши мутахассиси бўлишни, яхши асарларим билан халқимизга хизмат қилишни ният қилиб қўйганман.



Туронбека ЖАББОРЛИ:

— Болалигида ҳамма ҳам ўзини бир неча касб эгасидек тасаввур қилади. Танлаган касби билан мақтаниб, минг бир хаёлларга берилади. Аммо росмана танлаш вақти келганида, имкон қадар иқтидори бўйича ўзини йўналтириш пайига тушиб қолади. Мен ҳам болалигимдан телевидениедаги видеофильмларда ёшимга мос кичик-кичик роллар ижро этиб, ўзимни актрисалардек ҳис этар, эртанги кунимни ҳам шундай тасаввур этардим. Аммо кўз ўнгимдаги актрисалар фақат режиссёрнинг берган вазифасини бажаришар, менинг орзуларим эса бундан мутлақо фарқ қиларди. Мен санъатсеварларга хоҳ у томошабин бўлсин, хоҳ ўқувчи ўз фикримни бергим келарди. Шундай қилиб, театршуносликка тўхтадим. Ҳозирда касбимнинг чинакам устаси бўлиш ниятида тинмай ўқиб ўрганияпман.

Нилуфар ҲАЙИТОВА ёзиб олди

О‘ЗБЕКИСТОН ХОРИJIY МЕНМОНЛАР Е‘ТИРОФИДА

**Кейт КЕЛЛЕВЕЙ, Англиянинг «TheGuardian»
нашри ходими:**

— Ватанингиз менда ажиб таассуротлар қолдирди. Нега Ўзбекистонни қуёшли юрт дейишларига ташрифим давомида ўзим амин бўлдим. Қуёш битта, лекин у сизларда бошқача, иссиқ, тафти худди яқин кишининг меҳрига ўхшайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатингиз пойтахтида жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилгани кўриниб турибди. Тошкентда 1966 йилда кучли zilзила бўлиб эски шаҳарнинг катта қисмини вайронага айлантирган экан.



Тошкент zilзиласи жабрдийдалари хотирасига ўрнатилган ёдгорликни кўздан кечирар эканман, ибратли бир воқеага гувоҳ бўлдим. Мазкур монументни келин-куёвлар зиёрат қилишар экан. Ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу ҳолатдан ниҳоятда хурсанд бўлдим.

Мустақиллик майдонидаги Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларингиз шарафига бунёд этилган Хотира майдони ҳам менда катта таассурот қолдирди. Майдон тўрида мотамсаро она ҳайкали бор. Унинг олдида мангу олов ёниб турибди. Деворлардаги хотира китобларида уруш қурбонлари ном-

ма-ном ёзиб қўйилибди. Бундан жуда таъсирландим.

Биз Тошкент метросига ҳам тушдик. У ердаги озодлик, тартиб, ҳар бир бекатнинг ўзига хос чиройи мени мафтун этди. Дунёнинг катта шаҳарларидаги метролар тозаллиги муаммога айланган бир пайтда Тошкент метросининг гўзаллиги, бетакрорлиги, покизалиги ҳар қандай одамнинг эътиборини тортади. Тошкент нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунёнинг энг мафтункор, энг чиройли, энг озода, энг катта шаҳарларидан биридир.

Али БАБАЕВ, профессор, Озарбойжон Миллий Академияси математика институти бўлим бошлиғи:

— Мен Самарқанд шаҳри Регистон мажмуасидаги бутун шарқ оламида машҳур илм даргоҳлари — мадрасаларнинг бугун ҳам яхши сақланаётгани, улў зотларнинг бугунги авлодлари учун йирик маънавият, маданият ва маърифат маскани бўлиб хизмат қилаётганини кўриб ҳам ҳайратландим, ҳам ҳавас қилдим. Бу ердаги Улуғбек мадрасасида турли миллат вакиллари, жумладан, озар ўғлонлари ҳам таҳсил олганлар.

Фируз Александр Сефри ЗАНД, «Архитектура тадқиқотлари Сефри гуруҳи» компаниясининг бошлиғи (Буюк Британия):

— Самарқанд дунёдаги қадимий обидаларга бой шаҳар. Ушбу мафтункор шаҳарга учинчи марта келишим. Кейинги йилларда бу маскан таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Янги, муҳташам замонавий бинолар қурилишида ҳам миллий ўзига хосликлар сақланиб қолгани ниҳоятда аҳамиятлидир. Оламга машҳур тарихий обидалар қайта реконструкция қилиниб, атрофи ободонлаштирилибди. Равон ва кенг кўчалар, дунёнинг энг илғор архитектура аънаналари уйғунлашган бино ва иншоотлар, айниқса, киши диққатини тортади. Кўча ва хиёбонлардаги яшил майдонлар, бетакрор гулзорлар ҳамда осмонга бўй чўзган фаввораларга қараб кишининг кўзи тўймайди.



Питер КЭМПБЕЛ, Германия ва Ўзбекистон мюлявий ҳамкорлиги доирасида фаолият кўрсатаётган «Соғлиқни сақлаш: репродуктив саломатлик — оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» дастури раҳбари:

— Ўзбекистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида бўлганман. Ҳаммасининг ўзига яраша гўзаллиги бор. Лекин менинг Бухорога меҳрим бўлакча. Бу ерда тарихий ва замонавий шаҳарсозликнинг ажойиб уйғунлиги яратилган. Бухородаги тарихий обидалар бир-бирига ўхшамайди, бир-бирини такрорламайди. Ранг-баранг, ўзига хос.

Донателла ТАККОНЕЛЛИ, Италиянинг Repubblica.it наشري муҳбири:

— Ўзбекистон ҳақида кам маълумотга эга бўлсамда, бу диёрни меъморий ёдгорликлари кўп юрт сифатида билар эдим. Юртингизга қилган сафаримдан кейин тасаввурларим янада бойиди. Ўзбек маданияти ва санъатини ўрганишга бўлган қизиқишим ортди. Ўзбекистон такрорланмас маданий анъаналарга эга бўлган мамлакат. Ҳар бир шаҳри тарихдан сўйлаётгандек. Хивага борганимда ўзимни ўрта асрлардаги тенгсиз бир оламга тушиб қолгандек сездим. У ердаги меъморий обидаларни томоша қилар экансиз, тарих ва бугуннинг уйғунлиги олдида таъзим қиласиз.

Триину ТАУЛ, «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали махсус мукофоти совриндори, Эстония:

— Самарқанд архитектураси чиройли ва ўзига хос. Шаҳарнинг тарихий илдизлари жуда чуқур. Самарқанд жаҳон илм-фани тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Масалан, астрономия фанининг ривожланишида Самарқанд олимларининг ҳиссаси беқиёслиги мени ҳайратлантирди.

Шундай жойлар борки, улар фақат суратларда чиройли кўринади. Борганингизда аслида бундай эмаслиги билиниб қолади. Ўзбекистон сийрати ҳам, сурати ҳам гўзал мамлакат экан.

Отото ХИРОМИЧИ, Япония:



— Ўзбек меъморчилиги японларникидан кескин фарқ қилади. Халқингиз катта, маҳобатли иншоотлар қуришга одатланган. Масалан, Регистон мажмуасини олайлик. Унинг буюклиги, салобати инсонларни ҳайратга солади. Бундан ташқари, юртингизда биноларнинг кўрку салобатига ҳам алоҳида эътибор берилади. Чиройли ранглар танланади. Масалан, Бухоро ёки Самарқанддаги иншоотлар инсон ҳаётининг ўткинчилиги ва уни фақат эзгулик ва бунёдкорлик ишларига сарфлаш кераклиги ҳақида ўйлашга ундайди. Бу миноралардаги ҳеч бир фишт шунчаки қўйилмаган, ҳеч бир нақш шунчаки чизилмаган...

Радослав СТЕРНА, Варшава университети доценти (Польша):

— Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Баъзи давлатларда яйдоқ чўл ўртасидаги замонавий бинолардан бошқа нарса йўқ. Ўзбекистонда эътиборимни тортган жиҳат: Тошкент ҳам, Самарқанд ҳам дарахтлари кўп, яшил шаҳар.

Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлдим. Очиғи, ўзбек ёшлари учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Чиндан ҳам, юртингизда ёшларнинг таълим олишлари, ўз маҳоратларини янада оширишлари учун барча шароитлар яратилган. Сизлар қадимий маданиятингиз, буюк аждодларингиз ва тенги йўқ китобларингиз, бетакрор шаҳарларингиз билан фахрланишга ҳақлисизлар.

Темур АбЗАМ тайёрлади



Vatanni sog'inib turnalar qaytdi




Ойдин ХОЖИЕВА

Ватанни соғиниб турналар қайтди,
Қирларда лолалар саловат айтди,
Олча, ўрик гуллаб, бол тугар пайти
Соғинчлар бош урган остона бўлдим.

Мажнунтоллар ёйди чилвир сочини,
Иссиқ инлар қучди қалдирғочини,
Наврўз кийди яна кўклам тожини,
Вулқон кўчган тоғдек ларзона бўлдим.

Яшил сўқмоқларда хилпирар шамол,
Тоғлар елкасида пистоқи рўмол,
Қартайган Ер янги келинчак мисол,
Хутнинг ёмғирлари дурдона бўлди.

Қайғурма, дил, гуллаш фаслинг қайдадир? —
Чўбонлар сайратган қамиш найдадир,
Гулла, гулхирманинг тил-кўкайдадир,
Найнинг пардасида тарона бўлдим.



Эътибор ОХУНОВА

НА СЕН ДЕДИНГ...

Баҳор сабза рўмолини боғлади,
Гул алвонин ёйдек у ардоғлади,
Дарё тўлқинлари кўнглим чоғлади —
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Ёзнинг зару зарҳаллари боғларда,
Жуфт қаро кўз нигоҳлари боғларда,
Неки армон ёзилмиш қароғларда —
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Куз ҳам келди тилла ранг саруполи,
Ёзармиз биз-да ёзларнинг борини,
Қувиб оромларни, кўзнинг ҳорини —
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Булбулларнинг баётида келар у,
Турналарнинг қанотида келар у,
Уни кутиб яшариб, кетдик буткул —
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

Баҳор сабза рўмолини боғлади,
Гул алвонин ёйдек у ардоғлади,
Дарё тўлқинлари кўнглим чоғлади —
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни...



Турсуной СОДИҚОВА

ГУЛ ФАСЛИ

Беҳи гули — оқ капалак,
Қувлар уни шаббода.
Гулга тўлмиш еру фалак,
Атир ёғар ҳаводан.

Хушбўй жийда япроғида
Куй ўқийман хўп майин.
Боқар ўрик бутоғидан
Довуччаси кун сайин.

Шошиб тошар, бўтана сой,
Хас-хашакни кўтариб.
Тахтачада унар бугдой
Сумалакка аталиб.

Борлиқ ранги хушим тутди,
Қолдим унинг қошида.
Қизларимга қўйган сутим
Тошди ўчоқ бошида.

Тошди бебош хаёлларим
Айлантириб бошимни.
Қувиб келди маъсум, сўлим,
Ўн саккизли ёшимни.

Авалгидай сочим узун,
Қаро эмиш тўлқини.
Боқар эмиш кимдир маҳзун,
Кимдир эса хўрсиниб.

Юзим лола, изим лола,
Лола эмиш қўйлагим.
Баҳордай шўх, завққа тўла
Пайтим бир дам ўйладим.

Гул учади бирин-кетин,
Сой тошади хўп жўшиб.
Қалбим эса тўқир ширин
Соғинчсимон бир қўшиб.



Хосият БОБОМУРОДОВА

ТОҒ САЙЛИ

Мажнунтолга сирларимни қолдирсам,
Терак баргларига чапак чалдирсам.
Эркалим тутиб кетиб, ўзимга
Лолақизғалдоқдан қўйлак олдирсам.

Майсалар югуриб чиқса йўлингга,
Бойчечак ёпишиб олса қўлингга,
Тўрт тарафинг тўлиб кетса нозларга,
Менга жой қолса бас фақат дилингга.

Сувлар қўшиқ айтса майин жилдираб,
Осмон ерга яқин келса гулдираб,
Ҳаттоки тошлар ҳам гўзал бўп кетса,
Ёнидан бўлмаса сени жилдириб.

Ёддан чиқиб кетса ёзу куз, қишлар,
Фамимизни олиб қочсалар қишлар.
Фақат қўкликларга тўйиб термулсак,
Фақат дийдор бўлса, қолган ташвишлар.

Энг баланд чўққига югуриб чиқиб,
Дилни ишққа бериб, сўнг афғон чекиб,
Бағрини чок қилган қон лолаларнинг,
Пора бўлган кўксин чиқсайдим тикиб.

Ўзимдан-да ожиз, ўзимдан-да мўрт,
Майсаларга берсам қучоғимдан юрт.
Ушбу дамлар завқи, сурурларини,
Десанг, кўзларингга сурма қилиб сурт.

Бойчечаклар лабин лабимга қўйса,
Улар ҳам бир марта мен каби суйса.
Гуллар орасидан ўтиб келолмай,
Лабларинг гулларнинг ҳажрида куйса.


Гоҳи юлдузланиб, гоҳи ойланиб,
Осмон юрагингга қолсам бойланиб.
Оловли нигоҳинг бир бора тушгач,
Қорлар чопиб кетса сувга айланиб.

Қайгулардан ажрим хатимни олсам,
Бахтнинг қоқ бағрида довидираб, толсам.
Бошқа ҳамма йўллар бекилса бир-бир,
Фақат сен ва баҳор хукмида қолсам...



**КУТЛИБЕКА****КЕЛИНГ, ЖОН...**

Ўртамизга ёқиб умид шамини,
Таскин билан бойлаб дунё камини,
Ишқ билан қайтариб ғусса дамини,
Келинг, жон, бир тоза суҳбат қуроли!
Мен сизни Ҳумодан тушган патим, дей,
Нозларим кўтаргич заранг қошим, дей,
Дил дардларимни тиккич тилло қатим, дей,
Келинг, жон, бир тоза суҳбат қуроли!
Жаннат бўйин тўккан жамбилим, денг, сиз
Сайраб-сайраб ўпган булбулим, денг, сиз,
Тиззамга тиз чўккан сунбулим, денг, сиз,
Келинг, жон, бир тоза суҳбат қуроли!
Роҳат кўрғонимнинг синчисиз, дей, мен,
Чайқалгич уммоним тинчисиз, дей, мен,
Мулкимнинг сотилмас ганжисиз, дей, мен,
Келинг, жон, бир тоза суҳбат қуроли!
Лабларида ғунча ундиргувчим, денг,
Ғам лашкари босса синдиргувчим, денг,
Ялиниб, амрига кўндиргувчим, денг,
Келинг, жон, бир тоза суҳбат қуроли!
Кўнглимиз ойларда, овоз найдадир,
Бугунги бу жунун эрта қайдадир?!
Ҳарна дунёлари ишқдан майдадир,
Келинг, жон, бир тоза суҳбат қуроли!

**Зебо МИРЗО****ФИЛОН**


Адирларни оралаб ўтиб,
Чиққан каби гўё осмонга,
Асрларни оралаб ўтиб,
Етиб бормоқ керак Филонга.
Бир-бирига суяниб турган —
Уйлар асли банду банд элдир.
Одамлари бир буюк содда,
Ошиқдилу донишманд феълдир.

Бу қишлоққа адашиб келган
Инсон бўлар энг азиз меҳмон.
Том бошига югуриб чиққан
Тандирлари узатади нон.
Чашмалари юрагингизнинг
Ғамларини кетсалар чайиб,
Хурлар ювган кўйлагингизни
Офтобрўйга қўйишар ёйиб...
Кечалари ой супасида
Нурлар ичиб юлдузлар билан,
Қанотингиз ўса бошлайди
Суҳбатлашиб кундузлар билан.
Қайда эди беҳишт, изламанг,
Минг бир кеча афсонасидан,
Жаннат асли бошланар Филон
Тош йўллари остонасидан.

**Энахон СИДДИҚОВА****ЭСЛАСАЛАР...**

Эслармикин бир кун
Бир дарахт
Экканимни шу гўзал боққа.
Эсларми, бу булбуллар хушбахт
Кафтларимдан қанот қоққанин.
Шу эрка ниҳоллар эсларми
Суяганим, бўлганим қоя.
Довул, саратондан тўсганим,
Бўлганимни қалқон, ҳимоя.
Бу ғам эзмас, биламан, асло,
Умрим кетмас шамолга, елга.
Малҳам бўлар хуш ифор, наво
Олис йўлга чиққан ҳур элга.
Эсласалар....
Бир кун...





DUNYONI HAYRATGA SOLAYOTGAN O'ZBEK QIZI

Нодира кичкиналигидан бошқа болалардан ажралиб турарди. Ҳамма болалар эрталаблари боғчага бормаيمان, деб хархаша қилса, Нодира вақтли туриб олиб, ойисини боғчага шоширар эди. Болалар боғчасида ҳамма кизалоқлар бир бўлиб ўйнаса, у бир четда суратли китобларни томоша қилиб ўтирар, энг сеvimли машғулоти мусиқа тўгараги эди. Мусиқа устози пианино чалиб, қизларга рақс ўргатса, у клавишлар узра ҳаракат қилаётган бармоқларга ҳавас билан термулар, ўзи ҳам клавишларни босиб кўргиси келарди. Бир куни боғча опаси Нодиранинг ойисига қизининг мусиқага иштиёқи бошқача эканини сўзлаб берди. Улар Нодира билан пианинода шуғулланиб кўришди. Қизча тез фурсатда улугвор мусиқа асбобини ўз кўллари билан чалиб берди. Тўғри, унинг ижроси аниқ бир куй бўлмаса-да, мутахассисларга тақлидан, қаддини хиёл эгиб пианино олдида ўтириши, юзига маъно бериб, бошини силкиб-силкиб, бармоқларини клавишлар аро ўйнатиши ҳаммани қойил қолдирди. Отанаси уни Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига ўқишга беришди. Биринчи устози Ким Алла Антоновнадан чолғу билан диллашишни ўрганди. Тез орада у мутахассислар эътиборига тушди. Секин-аста уни республика миқёсидаги тадбирлар, кўрик-танловларга чақиришадиган бўлди.

Нодира Дадамұхаммедова бирин-кетин халқаро танловларда иштирок эта бошлади. Греция, Франция, Италия, Португалия, Руминия, Финляндияда бўлиб ўтган халқаро пианиночилар танловларидан мутлақ голиб бўлиб қайтди. 2014 йилда бўлиб ўтган «Париж юлдузлари» мусиқачилар танловида Гран-прини қўлга киритди. Ҳаяжонлар, хавотирлар ва голиблик... У бугунги кунгача ўн тўртта халқаро танлов голиби ҳисобланади. Нодира танловларда хорижлик тенгдошларининг ижроларини кузатиб, ҳадиқ билан натижа эълон қилинишини кутади. Голиб сифатида «Нодира Дадамұхаммедова — Ўзбекистон» деган сўз янграганда эса у ичига сиғмай кетади. Бу унга қанча кучкуват бағишласа, шунча масъулият ҳам юклайди.

Ёшлар учун кенг имкониятлар — ўқиш, санъат, спорт ёки фаннинг исталган тури билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган бугунги кунда минглаб иқтидорлар бўй кўрсатмоқда. Шу сабаб Нодира сингари ёшлар Ўзбекистоннинг бугунги кунини, ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликни дунё сахналарида намоиш этмоқдалар. Эътибор ва меҳр истеъдоднинг гуркирашига омил бўлишини улар дунёнинг йирик мусобақаларида исботлаб қайтишмоқда.

Нодира ҳозир Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабаси. Ҳар йили бир-икки бор халқаро миқёсдаги танловларда ишти-

рок этиш учун чет элларга боришига тўғри келади. Отанасининг хавотири, устозларининг ҳаяжони ва юрт шаъни унинг жўшиб-жўшиб куй ижро этишига, бор истеъдодини намоиш қилишига сабаб бўлади. Сўнгра голиблик хушхабери...

Нодиранинг яна бир бахти шундаки, 2010 йилда кўпчилик истеъдодли қизлар ҳавас қиладиган Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди. Халқаро танловларда, дунё сахналарида голиб бўлганидаги нашидалардан ҳам кўра юртимиздаги эътибор ва эътироф уни янада ҳаяжонга солди. Кичкиналигидан катта сахналарга ўргангани боис, мукофот топшириладиган сахнага дадил чиқиб борди. Мукофот ва гулларни қабул қилиб, залдан кўзлари билан онасини излаб топди. Онаси кўзларидаги ёшни сездирмаслик учун кулимсираб, залга ҳамоҳанг тарзда охиста чапак чаларди. Шунда бир қалқиб кетгандек бўлди. Чақноқ кўзлари билан устозларига, яқинларига бир-бир қараб, барчангиздан миннатдорман, дегандек таъзим қилди.

Юртимизда истеъдод борки, эътиборда. Шу боис дунёнинг турли бурчагидан хушхабарлар келиб турибди. Нодира сингари ёшларимиз ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг амалий ифодасини дунёнинг нуфузли сахналарида ҳали кўп бор намоиш этадилар.

P.S.: Ушбу мақолани нашрга тайёрлаётганимизда Нодиранинг онаси кўнғироқ қилди. Нодира Дадамұхаммедова Чехияда бўлиб ўтган «Прага юлдузлари» пианиночилар халқаро танловининг мутлақ голиби деб эълон қилинибди. Онаси ҳаяжон билан: «Қизим ҳозир Прага аэропортида, эрталабга яқин учиб келади...» деди.

Истеъдод — куртақ очаётган ниҳол. У меҳр ва эътибор кўрсатилган жойда бўй кўрсатади, гулга қиради. Бугун халқимизнинг умидли ниҳоллари она Ватан ардоғида, улар бутун дунёга ҳеч кимдан кам эмасликларини, истеъдодларга бешик бўлган буюк юрт фарзанди эканликларини исботламоқдалар. Нодира ҳам ана шундай ўзбекистоннинг бахтиёр ёшларидан биридир. Парвозинг ҳаммиша баланд бўлаверсин, Нодира!

Манзура ШАМС



BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA BUYUK AJDODLARIMIZ MA'NAVY MEROSINING AHAMIYATI

Бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлод-ни тарбиялаш энг муҳим ва муқаддас вазифага айланган. Таълимдаги ислохотлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг бевосита узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастуридан кўзланган мақсад ҳам аслида она Ватанига содиқ, билимли, мустақил дунёқарашга эга, соғлом, маънавий етук, замонавий касб-хунар сирларини эгаллаган, илғор фикрли авлодни тарбиялашдир. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир». Бу эса, албатта, таълим ва тарбия орқали амалга ошади. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», — деб бежиз айтилмаган. Аждодларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш бора-сидаги эзгу мақсадлари истиқлол туфайли амалга ошмоқда.

Инсоният тарихи қанча-қанча даврларни босиб ўтган бўлса, ҳар бир даврнинг олимларини файласуфлари инсон қадри улуғланадиган, инсонлар бир-бирларига меҳрибон, елкадош бўлган адолатли, фаровон ва тинч жамият қуришни орзу қилиб келганлар. Шу мақсад йўлида ўзларининг гоё ва таълимотларини яратганлар.

Бугун мамлакатимизда комил инсон тарбияси мамлакат сиёсатининг, миллий гоёнинг устувор мақсади деб белгиланган экан, бу борада ўтмишдан шу кунгача комил инсон тарбияси билан боғлиқ аждодларимизнинг қолдирган илмий мероси биз учун катта бир мактабдир.



Шу ўринда ўтган йили давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференциянинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтгимиз келади. Унда дунёнинг етакчи олимлари, нуфузли илмий марказлар мутахассислари яна бир бор Ўрта асрларда астрономия, география, математика, тиббиёт соҳаларида буюк кашфиётлар қилган, тарих, адабиёт ва шеърят оламида ўлмас асарлар яратган буюк инсонлар, аллома ва мутафаккир боболаримиз бой меросини яна бир қарра эътироф этдилар, улар билан боғлиқ тадқиқотлари билан ўртоқлашдилар.

Биз бугун қайта-қайта фахр, ифтихор ва гурур билан тилга олаётган буюк инсонлар босиб ўтган машаққатли ва сермазмун ҳаёт йўлининг бош мақсади — миллат, халқ бахт-саодати ва фаровонлиги учун хизмат қилишга қаратилгандир. Ана шундай мутафаккирларимиздан тасаввуф фалсафасининг буюк донишмандлари Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбандийлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Тасаввуф, бир томондан, дин ва шариат, иккинчи томондан, фалсафа ва ҳикмат илми билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган ўзига хос таълимотдир. Таъкидлаб ўтганимиздек, унинг асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

Буюк ватандошимиз Нажмиддин Кубро тасаввуфнинг кубравия тариқати асосчисидир. Кубравия тариқати таркидунёчиликни рад этади, унда инсон камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлгани ҳолда зулм, зўравонлик, жаҳолатни келтириб чиқарувчи қусурлар манбаи бўлган нафсни ислоҳ қилиши ва тарбиялаши жоизлиги гоёси илгари сурилади.

Нажмиддин Кубро (камтарона ҳаёт кечирган ҳолда, ўз қарашларини «Фавоъих-ал-жамол ва фавотих-ал-жалол», «Ал-усул ал-ашора» каби илмий асарларида ва рубоийларида баён қилган. Аллома инсон камолотга эришиши учун маълум риёзат йўллариини ўташи зарур ва бу йўлда ҳар бир киши ўн асосга таянмоғи керак деб ҳисоблайди. Улар «тавба» (инсоннинг «мени»дан кечиши), «зуҳд» (дунё лаззатларидан тийилиш), таваккал (Худого ишончи), қаноат, узлат, зикр, таважжух (шахснинг нафс эркинлигидан чиқиши)дир. Шахс тарбиясидаги ўн асосга таяниб, инсон ўзидаги салбий сифатлардан халос

бўлиши ва ижобий хислатларга эга бўлиши лозим. Зухд — инсоннинг одоб-ахлоқига зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар — шароб ичиш, мансаб кетидан қувишдан тийилишидир. Қаноат — инсоннинг ортиқча ноз-неъматлар, ҳирслардан (овқатни кўп истеъмол қилиш, қимматбаҳо кийимларга ортиқча хавас қўйиш, ўйин-кулгу ва бекорчиликдан) юз ўғришига ёрдам беради. Шунинг учун ўз ихтиёри билан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, нафс доирасидан ўзини олиб қочишига, шу йўл билан дилни губорлардан тозалаб, руҳнинг покланишига олиб келади.



Тасаввуф таълимотининг янада ривожланишига хисса қўшган ватандошимиз Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандий эса «Ҳаётнома», «Далил ал-ошиқин» каби асарларида инсонларни ҳалол ва пок бўлишга, ўз меҳнати билан кун кечирिशга чақиради. Унинг «Дил ба ёру даст ба кор» («Кўнгил Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин») деган ҳикматлари нақшбандия тариқатининг моҳиятини ифодалайди. Инсон илм олиши, касб эгаллаши, бир сўз билан айтганда, шахс бўлиб шаклланиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун меҳнат қилиши лозим. Инсондаги истеъдод ва барча қобилиятларни юзага чиқарувчи омил меҳнатдир. Инсон сабр ва матонат, машаққат билан заҳмат чекиб меҳнат қилсагина юксакликка эришади.

Бу икки аллома тасаввуфнинг таркидунёчилик гоёсини рад қилиб, ватанига ва халқига чексиз муҳаббатини ва садоқатини фидойиликлари ва жасоратлари билан исботлаганлар.

Шундай экан, ҳозирги глобаллашув даврида шарқона таълим-тарбия меъёрларига зид бўлган паст савияли «оммавий маданият», фахш, гиёҳвандлик, бузғунчиликни, зўравонликни тарғиб қилувчи маънавий таҳдидларга қарши фарзандларимизда соғлом маънавий иммунитетни шакллантиришда шарқ мутафаккирларининг мероси ҳам биз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз нафақат буюк аجدодларимиз билан фахрланишимиз, айти пайтда, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилишимиз, ўзимиз ҳам улар каби бу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Манзура БОЛТАБОЕВА

Мақтублар Мақтублар Мақтублар

Мен «Тўлистон» журналини беэазир ўқиб олдим, дегим келади. Илк бор олим Каблжақўрғондан дастлабки шеърини машқларини, мақолаларинини минг бич ҳақиқ билан журналга юборганман. Шез орада шеърларини журнал саҳифаларида босилиб чиқди. Уша пайтдаги хурсандчилигим ҳеч қачон ёдингдан чиқмайди. Орадан қанча йиллар ўтди. Шо ҳанузгача журналнинг муҳлиси эканидан бахтиёрман. «Тўлистон» журналин хамон менинг энг севишли нашрларимдан.

Ҳозирги кунда хам журнал саҳифаларидан ўзим учун қизиқ, бўлган адабий, таҳлилий, танқидий мақолаларни мароқ билан ўқийман. Айниқса, кейинги пайтларда адабийётга, санъатга ҳақиқ адабий таржималарга кенг ўрин берилгангани мени қувонтирди.

*Эржабот ШУКУРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

Ассаламу алайкум, «Тўлистон» журналин таҳририяти!

Мен бу журнални коллежда ўқитувчилик қилаётган пайтларимдан буюн мунотазам ўқиб келаман. Лекин бу журнални фақат шу даврда танидим дегани эмас. «Тўлистон»нинг миллий маданиятчилигини юксалтиришда ўлкан хизмати борлигини, ўтган асрнинг иккинчи ярмида қатъон қилинган асарлар журғат билан эълон қилинадиган нашр, хуф фикрли ижодкорлар ўзафо фикр алмашадиган адабий ўчоқ, бўлганини қайта ёшли ёзувчи-шоирларнинг хотираларидан аввалдан эшитиб келардим. Биргина «Темур тузуклари»нинг журналда босилиши оддий ҳодиса эмас, шўро ҳуқуқати томонидан қамситилган, ёгон-яшиққа ўралган тарихчиликнинг асл қиёфасини тиклашдаги дастлабки, шу билан бирга, тарихий қадам бўлган. Қалаверса, «Тўлистон»нинг таҳрир мақбалида неча-неча ижодкорлар ўз қалабини қархлаган.

Энг муҳлими, журналнинг ўзига хос ананалари — миллий қадриятларга кенг ўрин берили, бой маданиятчилигининг олимс қирраларини тарғиб этиши, қалаверса, ўзбек адабий тилининг беқиёс ифода илкониятларидан ўринли фойдаланиш хамон амалда экани бизни қувонтиради.

Кейинги пайтларда журналнинг рангли, беэакли чоп этилаётгани нуф ўстига нуф бўлди. Маданиятчилигининг одрийли минбари, отахон журнал бўлганидан кейин, муносиб чоп этилиши хам керак-да! Мавзуларнинг янада ранг-баранглашаётгани, маданият ҳаётчилигининг барча жабҳаларини қамраб олишга ўринлаётгани мақтовга лойиқ, ва бу савий-ҳаракатлар изчил давом этирилиса, биз журналхонлар миннатдор бўлар эдик.

*Алишер ҚОРАЕВ,
Тошкент маданият
коллежи ўқитувчиси*




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги
«2013-2018 йилларда замонавий маданият
ва аҳоли дам олиш марказларини
ташкил қилиш тўғрисида»ги
178-сонли Қарори ижроси юзасидан
Қорақалпоғистон Республикасида
тубдан таъмирланиб фойдаланишга
топширилган маданият ва аҳоли
дам олиш марказларидан



фотолавҳалар







Агар дунёда энг мураккаб, шу билан бирга, энг масъулиятли касб нима деб сўрашса, мен ота-оналик, мураббийлик, деб айтган бўлардим.

Ислом КАРИМОВ

Bo'lam baxtli bo'lsin desangiz...

БОЛАНГИЗ МАКТАБДА ЗАВҚ БИЛАН ҲАМРАЎ ИСТАСАНГИЗ

1. Мактабни, ўқитувчиларни болангизнинг олдида танқид қилманг.

2. Болам билан тил топа олмаяпти, деб ўқитувчисини айбланганга шоямманг. Бу муаммони ечишда мен нима қила оlishim мумкин, деб ўйлаб кўринг.

3. Болангиз дарс тайёрлаётганини неча марта кузатиб тургансиз? Унинг дарс тайёрлашда қандай хатоларга йўл кўраётганини кўриб, тўғри йўл кўрсатгансиз?

4. Болангизда мактаб билан доғлик, муаммо пайдо бўлса, унинг сабабларини мактаб билан биргаликда аниқланг. Мактабда қил, нима деганларини болангиз билан батафсил муҳокама қилманг.

5. Ҳар куни бир вақтда ухлатганга ётиб, бир вақтда уйғонишни болангизнинг оғатида айланттиринг. Уйда ўйкуга тўйилмаган бола дарсда ухлайди, танбех эшитида.

6. Болангизнинг қизиқишларига эътибор қилинг. Урфоқлари, ўй вазифалари, олган китобларига бефарқ, эмаслигини кўрсатинг. Ана шунда у қизиқишларининг муҳимлигини ҳис этади, масъулияти, сизга муҳаббатини янада ортади.

7. Узингиз китоб ўқиб туринг. Болангиз бўш вақтингизда телевизор кўриш ўрнига китоб ўқийётганингизни кўргани маъқул.

8. Болангизга ўз фикрларини ёзма баён қилишни ўргатинг. Айрим гап, топширик,

илтимосларингизни қозғачаларга ёзиб, унинг дарс столига, папкасига солиб қўйинг. Уни ҳам шундай қилишга ўргатинг. Биргаликда хатлар ёзинг. Болангиз дироф воқеадан завқланиб келса, уни қозғатиб тўширишни сўранг. Кечқурун ҳамманинг олдида чиройли, ифодали қилиб ўқиб беринг.

9. Мактаб ҳаётида фаол иштирок этинг. Бола у ўқийётган мактабга қизиқишингизни кўриб, хурсанд бўлади.

10. Мактабда болангиз ноҳуш вазиятга тушиб қолганда уни қўллаб-қувватланг, тоқи у ўзини яққа, ночор, тўшқун ҳис қилмасин. Унга ишончини йўқотмасин.

БОЛАНГИЗ КИТОБНИ СЕВИБ ҲАМРАЎ ИСТАСАНГИЗ

Сиз болангиз китобхон бўлишини албатта истайсиз. Чунки бу унинг бахтли келажакига хизмат қилади. Лекин болангиз сиз олиб келган китобларга қарамаса, нима қилиш керак?

Гап шундаки, «мен келтирган китоб боламга албатта ёқади», деб ўйламанг. Бунинг учун ишни анча олдинроқ, боланинг китобга муносабатини шакллантиришдан бошлаш керак. Бошланғич синфларда болалар китоб ўқишди. Лекин китоб танлай олишмайди. Шундай пайтда сизнинг ёрдамингиз керак. Сизга болалар учун чиқарилган китоблар, тавсиялар ёрдам беради. Китоб дўконларида, китобхоналарда шундай бўлимлар бор. Болаларнинг ёш



хусусиятлари ҳисобга олиниб, тартиб берилган. Китоб унинг ёшига, қизиқишларига мос ва ранг-баранг: эртактлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ҳақида, саргузашт, буюк баболаримиз, тарихимизга, қаҳрамонлар, олимларга бағишланган бўлсин.

Болангизга китоб ўқиш техникасини ўргатинг. Бунинг учун уни овоз чиқариб ўқишга машқ қилдиринг. Ана шунда унинг ўқишидаги хатоларни эшитиб, тузатиб борасиз.

Фарзандингизга биринчи китобни танлашда эътиборли бўлинг. Китобда ёрқин суратлар бўлсин, бироқ у катта бўлмасин. Унинг шахсий китоблари турадиган жавон қилиб беринг. Бу унга қизиқ.

УЗИЛГАН ҲИКОЯ

Болангизни мустақил китоб ўқишга қизиқтиришнинг усулларидан бирини кўрсатамиз: катталардан бири болага китоб ўқиб бераётиб, энг қизиқ жойи келганда бир баҳона қилиб, ўқишни тўхтатади. Воқеалар ривожига қизиқиб кетган болангиз: «Кейин нима бўларкин?» деб ўзи ўқишни давом эттиради.

Сиз кейин ундан воқеалар нима билан тугаганини сўранг. Ўзи ўқиб билгани учун мақтанг. Бундан кейин унинг ўзи мустақил ўқий олишига ишонишингизни айтинг. Уйда, оилавий суҳбатларда, телефонда китоблар ҳақида гапириб туринг. Сиз қизиқмасангиз, болангизни қизиқтиришингиз қийин.

КИТОБ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Болангиз ўқиган нарсалари ҳақида ҳикоя қилиб берсин. Бу унинг нутқини ривожлантиради. Асосий нарсалар билан иккинчи даражали нарсаларни фарқлашга ўрганади. Китоб қаҳрамонларига, воқеаларга муносабати шаклланади. Бошида бу қийин бўлади. Ана шунда унга «Китобчадан нималарни билиб олдинг?», «Бу воқеалар қачон, қаерда бўлган экан?», «Энг ёққан жойи қаери бўлди?» каби саволлар беринг. Саволлар бериб болангиз китобни тўлиқ ўқиганини, қанчалик тушунганини, китоб қаҳрамонлари ҳақидаги фикрлари тўғри ёки нотўғри эканини назорат қиласиз. Бу боланинг масъулиятини оширади. У диққат билан ўқишга ва ўқиганларини эсда сақлаб қолишга ўрганади. Унга ўқиганларига бағишланган суратлар чизишни ўргатинг.

ОИЛАВИЙ ЎҚИШ

Китоб оилавий ўқилса, нур устига нур бўлади. Бу оилани бирлаштиради. Бунинг учун, аввало, яхши бир китоб танлаб олинади. Бир неча кун олдин оилавий китоб ўқилиши эълон қилинади. Мақсад — болангиз ўша кунни интиқиб кутсин. Китобнинг ҳаммасини бир кунда ўқиш керак эмас. Бир кунда 45 дақиқагача ўқилса, кифоя. Кўп ўқиш болани толиқтириб қўяди. Биринчи кунни ота китобнинг бир қисмини овоз чиқариб ўқийди. Эртага боласи, индин онаси ўқийди ва ҳ.к. Бу кўп томонлама фойдали. Бир томондан, бола китобни қандай (ифодали, секин, аниқ, баланд овоз билан) ўқишни ўрганади. Ўқилган парчалар ҳақида фикрлар ўртоқлашилади. Агарда болалар хато фикрларни айтишса, уларни уришиш керак эмас. Ётиғи билан, чиройли қилиб тўғри йўлга солиб қўйилади.

ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ: БОЛАНГИЗ ТЕЛЕВИЗОР КЎРМОҚДА

Телевидение, радио, кино, интернет бола тарбиясига кучли таъсир кўрсатмоқда. Буни болаларнинг уларга ажратаётган вақтидан ҳам билса бўлади. Улар катталарга мўлжалланган кўрсатувларни ҳам бемалол кўришмоқда.

Баъзи ота-оналар болани телевизор кўриб ўтирса, бекорчиликдан, кўчанинг ёмон таъсиридан узоқ бўлади, деб ўйлашади. Натижада телевизор кўриш боланинг

табиий эҳтиёжга айланади. Кейин уни бу йўлдан қайтариш қийин бўлади. Бошқа муҳим ишларини ташлаб, экран қаршисига югурадиган бўлиб қолади. Оқибатда ота-она «Дарсингни қилмасанг, телевизор кўрмайсан», дейдиган бўлади. Бола буюрилган ишларни шошиб, чала қилади ва у билан оилада янги муаммолар туғилаверади. Кўряп-сизми, телевизор боланинг ўз ишига виждонан муносабатда бўлишига халақит бера бошлади. Биз берган тарбия пойдеворини буза бошлади. Телевизорни кўп кўриш боланинг кўзларига, асабларига зарар етказди. Шунинг учун ҳафтанинг бошида арзон ва қулай «Садо» теледастур тартибини олиб, бир ҳафтада болангиз кўриши мумкин бўлган кўрсатувларни фламастер билан белгилаб чиқинг. Эрталаб ишга кетаётиб ҳар куни болага дарсларини шомасдан тайёрлашни ва фалон соатда фалон кўрсатувни кўришни тайинлаб кетишингиз керак.

Болангиз кўрган кўрсатувларни у билан муҳокама қилиб боринг. Бу билан кўрсатувлар болангизга қандай таъсир қилганини аниқлаш, баҳолашингиз мумкин. Акс ҳолда кўрсатувлар бефойда бўлиб қолади.

БОЛАНГИЗНИ МЕҲНАТГА ЎРГАТИНГ

Болангиз вояга етиб, катта бўлгач, албатта қаердадир ишлайди, меҳнат қилади. Шунинг учун уни меҳнат қилишга ўргатиш жуда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун болангиз ҳозирдан мактабда, оилада ўз мажбуриятларига эга бўлиши керак. Бу мажбуриятларни белгилаб, орқасидан ҳар ҳафта сўраб турилмаса, фойдаси бўлмайди. Афсуски, айрим ота-оналар «Болалигимда мен қийналганман. Болам мазза қилиб, яйраб ўйнаб-кулсин. Иш бўлса қочмайди. Катта бўлганда қилаверади», деб қаттиқ адашишади. Кейин бу хатонинг жабрини бола ҳам, ота-она ҳам тартади. Айрим оналар «уй иши — аёллар иши», деб қизларини ишга жалб қилишади. Ўғил болаларига иш буюришмайди. Натижада, ўғил болалар уй ишларини қиз болаларнинг иши деб, уларни бажаришга уялишади. Албатта, иш буюрганда қиз ва ўғил болаларнинг хусусиятларига қараш керак. Нозик, энгил ишларни қизларга, куч, ирода талаб қиладиган ишларни ўғил болаларга буюриш керак.

ОТА — ЎФИЛГА ИБРАТ

Ўғил болаларга ота ибрат намунаси. Болаларини меҳнатдан асраган, айтилган ишларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилмаган ота-оналар болаларини бахтсиз қилишади. Чунки, ҳеч иш қилмай катта бўлган болалар бир томондан укувсиз, иккинчи томондан, бировларнинг меҳнатини қадрламайдиган одам бўлиб етишади. Ўзини ўзи эплай олмайдиган, доим энаганинг, ўртоғининг кўмагига муҳтож фарзандларга одамнинг раҳми келади. Болани ишга ўргатиш учун дастлаб оилавий ишларни бирга қилиш керак. Болага кўлидан келадиган кичик-кичик ишларни буюриш керак. Болангиз у ёки бу ишни яхши қилишни ўрганиб олгач, унга алоҳида, мустақил вазифалар бера бошлаш керак. Бошида бола толикади, зерикади. Шунда бу ишни тезда бошқа, энгилроқ иш билан алмаштириш керак. Аста-секин болада кўникма ва малакалар пайдо бўла бошлади. Уй меҳнати болага азоб эмас, балки зарурий эҳтиёжга айлана боради.

НАТИЖАСИНИ СЎРАБ ТУРИНГ

Умуман, меҳнат тарбияси шартларидан бири ота-она боланинг уй, жамоатчилик ишларидаги иштирокига жиддий қизиқишлари ва ёндашишларидир. Ота-оналар болага иш буюришади, лекин кўпинча натижасини сўрашмайди. Бу боладаги масъулият туйғусини бузади. Шунинг учун болага юклатилган ишнинг натижасига алоҳида эътибор беринг. Уй ишларида иштирок этиш ўғил-қизнинг бурчига айланса, кейинчалик бу бурч ижтимоий даражага кўтарилади.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори

MILLIY SPORT O'YINLARI — MILLIY IFTIXORIMIZ

Истиқлол йилларида кўплаб қадриятларимиз қатори миллий спорт ўйинларини тиклаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. 1999 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида «Миллий спорт маркази» ташкил этилди.

Миллий халқ спорт ўйинлари қаторига кирадиган — кураш, белбоғли кураш, турон яккакураши, улоқ-кўпкари ва ўзбек жанг санъатини ривожлантириш, такомиллаштириш, шу асосда ўсиб келаётган ёшларни соғлом, жисмонан бақувват, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари асосида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш ушбу марказнинг асосий мақсади ҳисобланади.

— Миллий спорт ўйинлари бизнинг асрлар давомида авлодлардан авлодларга ўтиб халқимизнинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотида ҳам муҳим аҳамият касб этган қадриятларимиздан бири ҳисобланади, — дейди «Миллий спорт маркази» бош директори Зокир Расулов. — Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, орият, ҳалоллик, олийжаноблик туйғуларини шакллантиришда унинг ўзига хос ўрни бор. У бизнинг ифтихоримиз. Бугунги кунда миллий спорт турлари билан шуғулланаётган ёшларимизга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, китоб ва қўлланмалар яратилляпти. Турли мусобақалар ташкил қилиниб, янги номлар кашф этилмоқда.

2015 йил — «Кексаларни эъзозлаш йили»да Марказ томонидан Жиззах вилоятида 60 ёшдан ошган спортчилар ўртасида спортнинг кураш, турон яккакураши, белбоғли кураш ва ўзбек жанг санъати турлари бўйича турнир ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, май ойида пойтахтимизда «Миллий спорт турларини ривожлантиришда фахрий полвонларнинг тутган ўрни» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади. 9 май — «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан Сурхондарё вилоятида ёшлар ўртасида миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкиллаштирилади. Болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳам миллий спорт турлари бўйича маҳорат дарслари ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари октябрь ойида Навоий ва Қашқадарё вилоятларида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари республика анжуманларини ўтказиш бўйича катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбек миллий спорт турлари моҳиятан эзгулик билан суғорилган, шу боис уни нафақат асраш, ривожлантириш, балки у билан фахрланишга ҳақлимиз.

Темур АЪЗАМ



Муҳаммад АМИН
фотосуратлари





Таҷ

Никола

оғзашомида

Яхши шеър, яхши ҳикоя ўқилгандаги таассурот инсонга бир умр ҳамроҳ бўлади. Вақти-вақти билан ўқиб ундан баҳра олади, кўнгил чигаллари ёзилади, таскин топади. Умр китобига битилган қайтарилмас лаҳзаларни, қувончу армонларини эслайди. Ана ўша жараёнда, назаримизда, қалб улғаяди, тозаланади. Биз ушбу рукнда сизу бизга қадрдон бўлиб қолган ана шундай асарларни бериб боришни ният қилдик.

Таҳририят

Куёвнавкарларнинг қийқириғу ер тепинишларидан ҳаловатини йўқотган қишлоқ ниҳоят тинчиди. Келин кетди.

Кўп ўтмай, хонадонлардаги чироқлар бирин-кетин ўчиб, кўчалар қоронғулик кўйида қолди. Бу пайтда кўшни қишлоқдан чилдирманинг така-туми, тўй говури эшитила бошлаган, қиз узатган қишлоқ эса, бу овозларга мунғайибгина қулоқ тутиб, маъюс сукутга чўмган эди.

...Қоронғи қишлоқдан чиқиб келган баланд бўйли бир йигит икки томонида қатор тераклар саф тортган йўл бошида бир зум тўхтади. Чўнтагидан сигарета олиб тутатдию истар-истамас яна йўлга тушди.

Олдинда, у юриб бораётган йўл адоғидаги қишлоқда, атрофи баланд деворлар билан ўралган ҳашаматли бир ҳовлида тўй бўляпти. Тўкин-сочин столлар атрофида деярли бўш жой қолмаган. Куй-қўшиқлар шўхчан, байту ғазал, қутловлар кўтаринки. Ҳамма хурсанд. Тўйхона тўлқинланади.

Ҳовли тўридаги узун стол ортида келин-куёв, уларнинг дўсту дугоналари... Куёв — дўпписи остидан сочлари кўпириб чиққан, тўлагина, оқиш юзли йигит — анча шўх, очиққинага ўхшайди, ёнбошидаги йигитларга тез-тез алланималар деб қўяди. Улар оғизларини кафтлари билан тўсиб қулишади. Куёв қадаҳини дўстлари билан яширинча уриштиради, бир кўтаришда бўшатиб, столга қўяди. Яна хиёл энгашиб, келин билан ҳазиллашган бўлади, сўнгра жўралари билан... Куёв хурсанд, куёвжўралар,

келиннинг дугоналари... Келин ҳам... албатта, хурсанд бўлса керак. Ахир, бунақа шодиёна умрда бир марта бўлади!

Келин-куёв ўринларидан кўзғалиб, сал бош эгиб туришди. Миқти гавдали, жингалак соч, кўзлари қаттиққина бир йигит дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Қаршимизда гуноҳкорона бош эгиб турган мана бу икки ёшга бир қаранг-а! Улар шу пайтгача пинҳона учрашиб, ошиқ-маъшук бўлиб юришган, аҳду паймонлар қилишган. Ким билсин, балки улар куни кеча худди шу вақтда ҳаммадан бекитиқча, анави Кўксой бўйларида учрашишгандир. Лекин мана бугун бизнинг қаршимизда бош эгиб туришибди. Балки кўпчилик олдида биринчи бор шундай ёнма-ён турганликларидан ийманишаётгандир. Бошингизни кўтаринг, азизларим! Бугун сизлар келин-куёв номини олдингиз. Истардимки, келаси йили худди шу маҳалда Ҳасан-Ҳусан ёки Фотима-Зухра фарзандлар кўриб, ота-она номини олингизлар!..

Йигитнинг сўзи қийқириқ ва қарсақлар билан олқишланди. Келин-куёв жойларига ўтиришди. Хонандалар кўшиқ бошлади.

Шу пайт тўйхонага бояги йигит кириб келди. Уни судрагудек қилиб келин-куёвга яқинроқ столлардан бирига ўтқазди. Йигит қизаринқираб, ён-веридигилар билан бош ирғаб сўрашган бўлди. Бир оз ўтиб теварак-атрофни, ҳовлини гир айлантириб

қоқилган гилам ва палакларни кўздан кечири бошлади. Ниҳоят, палаклардан биридаги никоҳ рамзи — қўш узук ва улар ўртасидан униб чиққан гулнинг, кейин бир-бирига талпиниб турган каптарлар тасвирига кўзи тушди. Хийла вақт палакка тикилиб қолди. Назарида, каптарлар жонлангандек бўлди... Ана феруза осмон. Баландда, жуда баландда каптарлар учяпти. Ана, улар бир-бирига яқинлашиб келмоқда... Йигит кўзини палакдан олди, бироқ сал ўтмай, яна беихтиёр каптарларга тикилди, улар яна жонланди... У энди нигоҳини пастроққа қаратди. Ана улар — ҳарир пардали келинчак, дўппили, хушбичим, бахтиёр куёв...

Ўринларидан туришяпти. Нега? Ҳа, биров табриклайди шекилли... Ким экан у? Э-ҳа, Баҳри шоир-ку, у гапирмаса, ётиб уйқуси келмас. Ҳозир, ҳойнаҳой, «Куй, ғазал, оҳ!..», деб монолог бошлади. Йўқ, аввал эълон қилади: "Хурматли ўртоқлар, мен сизларга улуг шоиримиз Алишер Навоийнинг мумтоз ғазалларидан бирини айтиб бераман», дейди. Ана, айтди, айнан шундай деди. «Оғирроқ куй бўлсин», деяптими...

— Ҳов, мулла йигит, мундоқ очилиб ўтирсангизчи, бунча ўй суриб кетдингиз?

Йигит рўпарасидаги — бўйинбоғини бемалол бўшатиб, ёқаларини очиб олган, юзларидаги терни рўмолча билан ҳадеб артаётган семиз кишига хижолатомуз бокди:

— Кечирасиз, амаки... Қани, овқатга қаранг.

— Бизлар оляпмиз, сизди мазангиз йўқ, йигит. Ётсирамай, еб-ичиб ўтириш керак. Тўйга нима учун келганмиз? Қани, ушланг буни!

Йигит ўзига узатилган қадахни олди-да, сочлари оқариб қолган, юзлари семизлик ва ичкиликдан жигарранг тусга кирган кишига кулимсираб тикилди: «Ҳа, албатта, тўйга еб-ичгани келамиз-да, мулла ака!»

— Қани, олинг-чи, кутяпмиз!.. Ҳа, балли, мана, закуска!

Шу пайт ҳар-ҳар ердан қарсак овозлари эшитилди: Баҳри шоир «Азизим, дунёга бевақт келибмиз...» деб «ғазал»ини тугатган эди.

— Локин, мулла йигит, Навоий ҳам шифирни зап қотирган экан-да! Болага ҳам гап йўқ. Ҳақиқий истеъдод! Боплади!

— Ҳа, у Навоийни доим боплаб юради... — деди йигит оғир хўрсиниб.

Бир оздан кейин келин-куёвга кўзи тушиб, ҳайрон қолди: яна ўринларидан туришибди. Энди ким гапираркин? Мажлис қилиб юборишади, шекилли. Ие, ким деди? Унинг номини айтдимиз? Нега у гапиради? Нима деб гапиради? Бу одам қизиқми ўзи?! Ёки чиқиб кетсамиз? Энди қаёққа чиқиб кетарди?... Ҳамма унга қараяпти. Қарсак чалишяпти. Мана, раислик қилувчи тўғри унинг устига бостириб келяпти. Йўл-йўлакай хонандаларнинг торини ҳам сўраб олди. Кўшиқ айттирмақчими унга! Шу кўргулик ҳам бормиди энди?!

Эҳ, асли нима қиларди келиб?

Майли, анави радиокарнайларнинг бақир-чақирини уни тонггача ухлатмасин эди. Бир кеча минг кеча эмас, чидаса бўларди. Ошиқ-маъшуклик ҳақидаги ваъзларни жимгина тинглаб, кўра-била туриб, ёлғончилик қилаётганлар устидан хузур қилиб кулиб ётавериши мумкин эди-ку?!

Нега келди?! Нега?!

Ўзи ҳам билмайди. Фақат тўйхонага яқинлашиб қолгандагина хушёр тортди. Орқасига қайтмоқчи

бўлди, бироқ... вақт ўтган эди. Кўярда-қўймай ичкарига судрашди. Мана энди...

Йигит қўлида тор, гангиб-гарангсиган аҳволда ўртага чиқди. Бир бола микрофон тутди.

— Шўх-шўхидан бўлсин, Камолжон!..

«Шўх-шўхидан... Нимани айтаман, қандоқ айтаман?!» У гўё торни созлаётгандек анча муддат тиринглатиб турди. «Шўх-шўхидан...» Хаёлида нукул шу сўз тинмай чарх урарди... Ниҳоят, тор тилга кирди. Йигит бирдан ўзига келди: «Муножот»-ку!» Аммо, титроқ бармоқлари энди унга бўйсунмади.

Оқ тунукали баланд томга ўрнатилган радиокарнайлар торнинг нозик, ҳазин садоларини қишлоқ узра тарата бошлади, сўнг худди оҳанглардек ҳазин кўшиқ янгради:

**Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг откунча уйку келмади...**

Тўйхона жимжит бўлиб қолди. Йўқ, тўйхона бутунлай тинчимаган, ширакайф тўйхўрлар ўзаро гурунг қилишар, ҳар ер-ҳар ердан кулги кўтарилиб турар, «Ҳа, дўст!», деган овозлар эшитилиб қолар, лекин йигит буларни эшитмас эди. Назарида, бу ер тўйхона эмас, қишлоқ чеккасидаги кимсасиз яланглигу у ёлғиз ўзи кўшиқ айтаётгандек эди.

...Ана, пастда Кўксой шовиллаб оқяпти. У эса сой бўйида, баланд толлар кўланкасида осмонга тикилганча чалқанча ётибди. Ёнида оппоқ ҳарир кўйлак кийган, бошига келинчаклар мисол тўр ёпинган бир қиз... Қиз нозик бармоқлари билан унинг сочини тарайди, кўзларига меҳр билан тикилади, алланималар деб шивирлайди.

У эса бахтдан юраги тоғдек юксалиб, осмоннинг ферузалигига, Кўксойнинг тоза суви асло кўринмаслигига, толларнинг сояси фақат ҳаловат бахш этишига ишонади...

Кўшиқ тугади. Қарсақлар, олқишлар, яна талаблар... Тор тагин тилга кирди. Янги кўшиқ бошланди:

Сумбула-ё сумбула, ўраб олай гул билан...

Ўртага бир йигит ва қиз тушди, бир-бирига им қоқиб рақс бошлади.

**Сумбула-ё сумбула, ўраб олай гул билан,
Мани кўнглим сан билан, сан кетарсан
ким билан?**

Қадамнингда гуллар очилсин...

Кўшиқчининг кўзларида ёш йилтиради. Овозига билинар-билимас титроқ кирди.



Атрофдагилар: «Яшанг!», «Кам бўлманг!», «Дўўст!», деб уни олқишлар, кўшиқчи уларнинг гапини эшитмас, уларни кўрмас, кўз ўнгида ёлғизгина бир каптар жонсарақ учиб борар эди.

**Сумбула-ё сумбула, ўраб олай гул билан,
Мани кўнглим сан билан,
сан кетарсан ким билан?..**

Йигит ўртаниб куйлар, ўртаниб бўзлар, ҳеч нарсадан беҳабар оломон эса уни шодон, мастона қийқириқлар билан олқишлар эди...


Орзикул ЭРГАШ





ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
«Гулистон» журнали барча
фотожурналист, фоторассом
ва ҳаваскор сураткашлар учун
«Обод манзиллар»
фототанловини эълон қилади.
Энг сара фотоасарлар журнал
саҳифаларида ёритилиб, йил охирида
голиб эълон қилинади ва таҳририятнинг
махсус совғаси топширилади.

Ушбу саҳифада фоторассом
Аҳмад ТўРА ижодидан намуналар
ёритилмоқда.



Bahor simfoniyasi

Бугунги кунда диёримизда муסיқа санъатининг йирик, монументал жанрларидан бири бўлган опера санъатини ривожлантиришга қаратилган концертларни ташкил этиш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган ёшлар йиғма симфоник оркестри ва ёш опера ижрочиларининг жаҳон классик ва ўзбек миллий опера санъати дурдоналаридан иборат «Баҳор симфониyasi» номли катта концерти опера санъати сирларини эгаллашга интилаётган иқтидорли ёшларимизнинг кенг жамоатчиликка муносиб баҳорий тухфаси бўлди.



SAN'ATKOR O'Z IJROSIDAN ZAVQ OLA BILISHI KERAK...

Журналимизнинг ўтган сонларида ёзувчи ва шоирларимизнинг «Ижодкорни қўлга қалам олишга ундаган хусус нима?» деган саволга берган жавоблари билан танишган эдингиз. Бу гал қуйидаги саволлар билан эл ардоғидаги бир гуруҳ таниқли санъаткорларимизга мурожаат қилдик:

**Сиз сахна маданияти ва масъулиятини қандай тушунасиз?
Санъаткор учун сахна ва тўйнинг фарқи бўлиши керакми?
Кўнглингиз тўлган ва тўлмаган чиқишларингиз...
Сахна билан боғлиқ аънаналар борасидаги фикрларингиз?**



Мўяссар РАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Сахнада кўнгилдагидек чиқиш қилиш учун, аввало, жуда катта тайёргарлик кўриш керак. Баъзан кечани кеча, кундузни кундуз демай, тинмай машқ қилишга тўғри келади. Сахна санъаткорнинг тафаккури ва ижоди уйғунлашадиган майдон ҳисобланади. Санъаткор

сахнага тингловчилар учун ибрат бўла оладиган даражада чиқиши керак.

Сахна — санъаткор учун ўзининг ҳақиқий истеъдоди ва маҳоратини намойиш этадиган муқаддас жой. Тўй хурсандчилик нишонаси, лекин шуни унутмаслик керакки, сахна бошқа дунё, тўй бошқа дунё!

Кўнглим тўлмаган чиқишларим тўлганларидан кўпроқ десам, хато бўлмайди. Мен учун ҳар бир чиқишнинг ўзи алоҳида бир синов. Баъзан маромига етмаган жиҳатлар борлигини биламан. Албатта, буни ҳамма ҳам билавермайди, мутахассисларгина сезади. Санъаткор бутун умр мукамалликка интилиб яшайди. Кимга қанақа билмадим-у, мен спектаклдаги ҳар бир чиқишимни тасмага ёздириб оламан. Сўнгра ўзимга маълум камчиликлар устида жиддий ишлайман.

Мумтоз санъатни ўзгартириб ёки унга қўшимча қўшиб бўлмайди. Чунки у собит доvon ва чўққи. XXI асрда замонавий киноларда постановкалар ҳам кўйиб кўришди, лекин бу ўзини оқламади. Халқ, томошабин буни қабул қилолмади. Мумтоз санъат асрлар оша давом этиб келаяпти. Моцарт, Бетховен, Бах... даҳо санъаткорларнинг асарларини ким ҳам ўзгартира олади? Мумтоз санъатнинг ижрочиси ўзгариши мумкин, лекин ёзилган ноталарни ўзгартириб бўлмайди.

Жаҳон санъатида ҳам, бизда ҳам баъзи бир овози етмаган санъаткорлар аранжировка қилиб кўришяпти. Бироқ бундай ҳаракатлар бефойда. Айниқса, опера санъаткорида кўпгина жиҳатлар мувофиқ бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, чинакам истеъдод эгаларигина ҳақиқий опера ижрочиси бўла олади.



Ёдгор САЪДИЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Маҳоратли актёр, аввало, ўз ижросидан завқ ола билиши керак. Ана шундагина томошабинга ижро завқини юқтира олади. Шу маънода ҳақиқий актёр сахнада рол ўйнамайди, балки қахрамони билан бирга яшайди. Бу устозларимизнинг бизга мерос қолдирган ўгити. Театримизнинг энг катта ютуғи — санъаткорларимизнинг сахнада яшай олиши. Албатта, бу бир ибора, бироқ ҳаётини санъатга бағишлаган санъаткор ролига жон бағишлайди. Қахрамони билан бирга қувонади ёки қайғуради. Ана шундагина томошабинни ишонтира олади.

Ўзбек Миллий академик драма театримизнинг нуфузи доимо баянд бўлган. Бу даргоҳда ҳаммиша ҳам нутқ, ҳам ижро қобилияти юксак бўлган актёрлар ишлаган. Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Амин Тўраев, Зайнаб Садриева, Икром Болтаева, Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, шунингдек, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, қолаверса, биз — кейинги авлод Эркин Комилов, Теша Мўминов ҳамда биздан бироз ёш Фатхулла Маъсудов, Абдурайим Абдуваҳобовлар ушбу мактабда ўқиган ва уққан актёрлардир.

Тўй ҳам мухлислар билан ижодий учрашувдек гап. Бироқ сахнада масъулият кучли. Шу маънода санъаткорнинг тўйдаги хатти-ҳаракатлари сахнадагидек бўлиши керак. Чунки актёр, энг аввало, зиё тарқатувчи шахс. Кийинишида ҳам, ўзини тутишида ҳам ўрнатқ ҳисобланади.

Тўй ҳам мухлислар билан ижодий учрашувдек гап. Бироқ сахнада масъулият кучли. Шу маънода санъаткорнинг тўйдаги хатти-ҳаракатлари сахнадагидек бўлиши керак. Чунки актёр, энг аввало, зиё тарқатувчи шахс. Кийинишида ҳам, ўзини тутишида ҳам ўрнатқ ҳисобланади.

Кўнглим юз фоиз тўлган ролимни ҳали ижро этганим йўқ. Бу балки ҳали олдиндадир. Хоҳ театрда, хоҳ кинода бўлсин кўнглим тўлган ролимни ижро этганиман, деб айтсам, санъат мен учун тугаган бўлади.

Театрнинг қизиқ томонларидан бири шундаки, спектаклдаги ролимни кейинги сафар бошқача ўйнашим мумкин. Бу менинг ички ҳиссиётим, ўша пайтдаги руҳий ҳолатимга боғлиқ. Театр бу жонли мулоқот. Кинода бутунлай бошқача манзарага гувоҳ бўлиш мумкин, унда қандай чиқиш қилинса, шундайлигича муҳрланади. Қайта ишлаб, ўзгартириб бўлмайди. Театрда, сахнада эса имконият кенг.

Театр олдидаги асосий муаммолардан бири замонамиз қахрамонини гавдалантириш. Бу борада доимо изланишдамиз. Ижодда замонамиз қахрамо-

нининг барча жиҳатларини ҳали тўла тушуниб етганимиз йўқдек туюлади менга.

Одатда, кино санъатида яхши чиқиш қилишининг учта шарт бор, дейишади. Булар сценарий, режиссёр ва актёр. Менимча, яхши фильм олиш учун аввало сценарий, сценарий ва яна сценарий бўлиши керак. Худди шунингдек, театрда ҳам яхши спектакл қўйилишининг асосий шарт — биринчи навбатда асар, асар ва яна асардир. Яхши асар бўлса, гоҳо бироз тажрибасиз актёрнинг чиқишидаги камчилик ҳам сезилмай кетиши мумкин. Агар асар «хом» бўлса, режиссёр қанча кучли, актёр ҳар қанча маҳоратли бўлмасин, ижрони маромига етказолмайди. «Мирзо Улуғбек», «Алишер Навоий», «Гамлет», «Отелло», «Ромео ва Жулетта» каби асарлар саҳнага қўйилганда томошабин қайта-қайта театрға кираверади. Чунки асар яхши ёзилган. Бундай асарлар актёрларга куч ва илҳом бағишлайди.

Театр йўналишини ўзгартириб бўлмайди. Балки эскирган мавзулардан воз кечиш зарур. Театримизда устоз-шоғирд анъанаси тўғри йўлга қўйилган. Миллий театримиз санъаткорлар, ёзувчилар, шоир ва драматургларимиз учун ижодий лаборатория ҳисобланади. Ўзбек тилининг куч-қудрати ва имкониятларини муҳлислар ушбу театрда юқорида тилга олинган устоз санъаткорларимизнинг ижро нутқи орқали ҳис этишган десак хато бўлмайди. Келажак авлодга бу анъанани мерос қолдириш бугун биз санъаткорларнинг бурчимиздир.



Абдуҳошим ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Саҳна муқаддас даргоҳ, аввало, санъаткор саҳнада ўзининг маданиятини, яъни юриш ва туриш одобини намойиш этиши зарур. Созанда бўлса чиройли ўтириши, хонанда ўта назокат билан чиқиш қилиши керак. Санъаткор ўз санъатини завқ билан намойиш этсагина тингловчиларни

завқлантира олади.

Бугунги ёш санъаткорларимиз эл меҳрини қозongan санъат дарғалари — Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Саодат Қобулова, Камолитдин Раҳимов, Фуломжон Ёқубов, Муножот Йўлчиева каби устозларнинг ижро услуби ва чиқишларини билиши, улардан ўрнак олиши, ўрганиши керак.

Тўй ўз номи билан тўй. Тўйга чиқадиغان санъаткор лирик, шўх қўшиқ айтиши керак. Чунки тўй хурсандчилик нишонаси. Тўйга келган меҳмон ва мезбонларга хуш кайфият улашилади, у ердаги шинавандаларнинг талаби ва кўнглига ёққан қўшиқлар ижро этилади. Саҳнада эса айтиладиган сўз ва қўшиқлар оддий бўлмайди. Саҳна мўътабар минбар, унинг ўзига яраша масъулияти бор.

Мен ҳар гал саҳнага худди биринчи марта чиқаётгандай ишга жиддий ёндашаман. Санъат совуққонликни, юзакиликни ёқтирмайди. У — бир мўъжиза. Унга санои нафис, санои руҳ дея таъриф берилиши шундан. Санъаткор шундай ижро этиши керакки, унинг таъсири тингловчилар кўнглида давом этиши керак.

Албатта, ижросидан ўзининг кўнгли тўлмаган чиқишлар ҳаммада бўлади. Айниқса, дастлабки чиқишларда санъаткорни томошабинларнинг салобати босади. Бундай ҳоллар менда ҳам кўп бўлган. Шунинг учун ҳар гал «Ҳа, мен ҳали ўз устимда ишлашим керак», деган ўй билан саҳнага чиқаман. Аслида, ҳар бир ижро янги бир доvon ҳисобланади ва шунга мувофиқ тайёргарлик бўлиши керак.

Ўзбек буюк маданий-маънавий меросга эга миллат.

Бизга Аллоҳ шундай ноёб мусикий дурдоналарни ато этганки, бошқа миллат бунга ўзимиздай ижро этиши қийин. Ҳиндларда мумтоз қўшиқни «рага» дейишади. Озарбойжонлар «муғом» дейди. Оврупа давлатларида «классика» дейилади. Аммо бугун бизда ўша хинд рагасини, ёки бўлмаса, озарбайжон муғомини айтиб, Гран-прига эришаётганлар кўп. Бироқ Озарбойжон ёки Ҳиндистон халқ артисти бизнинг мақомларимизни, «Муножот»имизни ижро этолмайди. Бунинг учун санъаткор шу юртда туғилиб, улғайган бўлиши керак.

Мумтоз ашулаларимиз ҳеч қачон эскирмайди. Уни фақат жонлантириб, меъёрига келтириб ижро эта билиш керак, холос.



Сайёра ЮНУСОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Албатта, саҳна асарининг мукамал чиқиши кўпроқ учта омилга боғлиқ: яхши асар, яхши режиссёр ва яхши актёр... Саҳнада сўзлар ҳаракат билан боғлиқ ҳолда ифода этилади. Яъни фикрни ҳаракат билан ифодалаш устунлик қилади. Саҳнада кўнглидагидек

ижро этишининг яна бир муҳим шарт актёр маҳоратли, хуш овоз соҳиби, шу билан бирга, унинг ташқи кўриниши ҳам рисоладагидек бўлиши керак. Санъаткорни грим билан ўзгартириш мумкин. Лекин буйини ўзгартириб бўлмайди. Санъаткор кўп изланиши лозим, яъни хоҳ миллий, хоҳ чет эл актёри бўлсин уларнинг ижро маҳоратидан ўрнак олиши керак.

Санъаткорнинг тўйдаги чиқишларини салбий ҳол деб бўлмайди. У эл ардоғидаги инсон. Қолаверса, қариндошлари, муҳлислари билан яхши кўнларни баҳам кўришдир бу. Бироқ санъаткор тўйда ҳам саҳнадаги каби ўзини тута билиши лозим.

Кейинги пайтларда айрим ёш санъаткорларимиз негадир, тезроқ халқ орасида танилсам, машхур бўлсам деб, кўпроқ телевидениега ошиқади. Ҳолбуки, илгариги санъаткорлар маҳоратини, аввало, саҳнада намойиш этишган. Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов каби ҳақиқий актёрлар кўп ҳам телевидениеда чиқиш қилишавермайди. Ортиқча, зўрма-зўраки хатти-ҳаракат, аксинча, санъаткорнинг мавқеини туширади. Шу маънода чин санъаткор оммадан, тўғривоғи, муҳлису томошабинлардан бироз пинҳон бўлиши лозим, деб биламан. Санъаткор томошабин учун идеал ҳисобланади. Яъни унинг саҳнага чиқиши доим соғиниб қутилади.

Энг кўнглим тўлган чиқишим Зебунисо роли бўлган дея оламан. Мен у пайтда 28 ёшда эдим. Тўғри, ундан кейин ҳам кўп ролларни ижро этдим. «Гамлет», «Омон бўлинг, азизим»даги ролларим муҳлисларга маъқул бўлган. Лекин Зебунисо роли мен учун ҳозирча эришган ютуқларимнинг чўққиси ҳисобланади. Бу ролни мен тақдирнинг тухфаси деб биламан.

Анъаналар ҳақида гапирганда, илгарилари ҳар икки йилда бир марта танлов ўтказиларди. Актёр ҳайъат синовдан ўтсагина ишга олинарди, ҳозир бу анъана тўхтаб қолган. Менимча, ишга олинаётган актёрнинг қобилятини бутун театр жамоаси билиши шарт. Чунки бирга рол ижро этганда, унинг имкониятлари ҳам эътиборга олинади.

Илгари санъаткорлар ўз устида кўп ишлашган. Яъни ишга келгач, ҳар уни эрталабдан кечгача бўлса ҳам роли устида қайта-қайта машқ қилишган. Бу анъана биз учун умрбоқий бўлгани афзал...

Шермурод СУБХОН тайёрлади

O'ZBEK KURASHI TARIXI

Ўзбек кураши халқимизнинг турмуш тарзи, миллий маданияти, маънавияти ва миллий менталитетини ўзида акс эттирувчи қадриятимиз, миллий спорт туридир. У халқимизнинг кўпгина этник хусусиятларини мужассамлаштирган маросим сифатида ҳам қадрланади. Унинг шаклланиши қадим тарихга эга. Олимларимиз Қадимги Бахтрия ҳудудидан топилган археологик топилмаларга таяниб, ўзбек курашининг илдизлари камида 3,5 минг йиллик тарихга эга эканлигини қайд этади.

Кураш азалдан тўйлар, сайиллар, миллий байрамлар ва бошқа умумхалқ тадбирларида оммавий тарзда ўтказиб келинган. Унда аҳолининг барча қатламлари, ёшу қари бирдек қизиқиш билан томоша қилибгина қолмай, балки унда бел олишиб курашга тушганлар. Шаҳар ва қишлоқ маҳалларида эса аҳолининг турли қатламлари ўртасида алоҳида-алоҳида ёки турли уруғлар, қавмлар, қишлоқлар ўртасида тарафматараф кураш мусобақалари ўтказилган. Кураш тартиб-қоидаларида умумий элементлар бўлса-да, баъзи ҳудудларда айрим тафовутлар ҳам бор.

Азалдан кураш мусобақасига кўшни қишлоқ, маҳалла, овул, ҳатто узоқ бекликлардан ҳам полвонлар келган. Курашнинг ўзига хослиги шундаки, уни ўтказиш учун махсус жой ёки вақт талаб қилинмаган.

Аксарият ҳолларда мусобақа томошабинлар қуршовида тўшак, похол, сомон, қум ёки чим устида ўтказилган. Ўйин қоидасига кўра, уни ўртадаги ҳакам ишораси билан олдин кекса полвонлар, кичик ёшдаги болалар ва ўсмирлар бошлаб берган. Шундан кейингина даврага ҳақиқий полвонлар чиқиб, бел олишган. Бу, аввало, тарбиявий аҳамият касб этган.

Ўтмишда замонавий кураш мусобақасидаги каби курашувчи полвонларнинг махсус кийимлари ҳам бўлиб, майдонга тушувчилар эгнига камзул (ёқасиз ятак), белбоғ, бошларига оқ, қизил, сарик, кўк тасма боғлаб, оёқ яланг курашга тушганлар. Беллашувчи-

ларнинг эгнидаги камзули алоҳида рангда бўлмаган бўлса-да, йирик мусобақаларда улардан махсус рангдаги ятак ёки камзул кийиш талаб қилинган. Кураш қоидаларига кўра, ҳар бир полвоннинг ажратиб турувчи махсус белгиси бўлган. Бу вазифани одатда полвонлар бошига боғланган алоҳида рангдаги тасма, сурп ёки бўздан тикилган камзул бажарган. Ранглар қадимда инсонларнинг дунё тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларига биноан танланган


бўлиб, полвонларнинг оқ, кўк ятакда майдонга тушиши поклик, софлик, мардликни тимсоллаган.

Баъзи ўзбек уруғларининг ҳам алоҳида ажратиб турувчи белгилари бўлган. Жумладан, ўзбек халқи таркибидаги қораманғит, қора қуюнли, қоратуркман, қора бўри, қоратўнлиларда қора ранг рамзий белги ҳисобланган. Бу ерда қора ранг улугворлик рамзи сифатида танланган. Оққуюнли, оқсарой, оқаат, оқилон ва шу каби уруғ-қавмларда эса оқ ранг; кўксарой, кўктўнли уруғларида эса кўк ранг мифологик эътиқод тимсоллари саналган. Курашувчилар белидаги белбоғнинг ҳам рамзий аҳамияти бўлган.

Кураш кишиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириб, халқ турмуш тарзини, кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни характерлаган ҳолда, халқнинг барча қатламларини

ўзаро бирлаштирган. Қолаверса, ёшларда ахлоқий тарбияни юзага чиқариб, жисмоний чиниқиш учун синов вазифасини ўтаган.

Курашнинг эстетик томошавий аҳамияти ҳам катта бўлиб, у ўйинлар туридан қатъий назар барчанинг бирдек иштирокини таъминлаган. Фақатгина полвонларда эмас, балки томошабинларда ҳам жамоа орасида ўзини қандай тутиш, ўзаро муносабат тартиб-қоидаларини, муомала маданиятини юзага чиқарган.



Sahna ortidagi hangomalar

Санъат ДЕВОНОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, «Мафтунингман» фильми съёмкасининг биринчи кунндаёқ қовун туширганман. Режиссёр кутилмаганда тракторни ҳайдаб, кўшиқ айтишим кераклигини айтди. Ўша пайтларда хаёлим фақат санъатда бўлиб трактор у ёқда турсин, ҳатто машина ҳайдашнинг билмасдим. Съёмка бошланишидан бир неча дақиқа аввал тезликда мана бу «газ», буниси «тормоз» деб тушунтиришди. Тракторга чиқдим, кўшиқ айтганча ҳайдаб бориб, камерага беш метрча қолганда тормозни босишим керак эди. Мен адашиб, тормознинг ўрнига газни босибман, денг. Ана томоша-ю, мана томоша! Бақир-чақир бўлиб кетди, ҳамма асабийлашган, режиссёр мени койиган. Оператор тупроққа беланиб кетган...

Эсингизда бор, қахрамоним анҳор бўйида сувдан чиқиб, Юлдузхонни қувиб кетаётган пайтида милиционер тўхтатиб қолади. Айнан ўша кадр суратга олинаётган жойда хоразмлик дўстларим машинада ўтиб кетишаётган экан. Мени ярим яланғоч ҳолатда милиция ходими сўроқ қилиб турганини кўриб дарҳол ёрдамга отланишган. Ёнимизга келиб, жанжал бошлаб юборишганида, уларни зўрға тўхтатганмиз...

Рихси ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти:

— «Шум бола» фильмидаги Қоровойнинг бошини ёриб қўядиган сахнани олишимиз қизиқ бўлганди. Бир дўппи тухум олиб келдик. Уч-тўрт дона тухум қолгунча репетиция қилдик. Гоҳ тухумни мўлжалга ололмайман, гоҳ чақилган тухум дўппининг ичида қолиб кетади. Ҳаммамиз гурра-гурра куламиз-у, яна қайтадан олишга чоғланамиз. Вақт кетаяпти. Қолаверса, ҳар бир қарич тасма фалон сўм. Шундай бўлгандан кейин уни бекорга исроф қилишгаям ҳаққимиз йўқ. Хуллас, ўйлай-ўйлай охири йўлини топдик. Тухумларни синдириб, елим халтага солдик-да, Қоровойнинг бошига қўйдик. Ана ўшандан кейин ўқлог билан урганман...

Гулчеҳра ИБРОҲИМБЕКОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— «Афандининг беш хотини» спектаклини ўйнаётганимизда, партнёрим Сайёра Юнусова сахнанинг ўртасида ётган қора нарсани қўлига олди. У менинг улама сочим эканлигини кўриб, ўзимни йўқотмадим-да: «Сизлар билан тортишаман деб, улама сочим тушиб қолганиниям сезмабман. Афандим келгунларича, улаб, ясениб олай...» деб томошабинга сездирмай вазиятдан чиқиб кетгандим.

Шухрат АББОСОВ,
кинорежиссёр:

— «Маҳаллада дув-дув гап» фильмини суратга олиш учун мос ҳовлини узоқ қидирганмиз. Лекин кўнглимиздагидай ҳовли учрамагани боис, Чилонзордаги маҳаллалардан бирида декорация қуришга киришганмиз. Рассом суратини қизиб берди ва шу асосда ҳар бир қахрамоннинг феълига мос қилиб

учта ҳовли қурилди. Биз ўша ҳовлиларда яшаганмиз десам тўғрироқ бўлади. Актёрлар суратга олиш ишларини яқунлаб уйларига кетишарди, биз эса баҳслар, тортишувлар билан кейинги съёмка кунига тайёрланардик. Тортишувлар қизигандан қизиб, тонга яқин уйқуга кетардик. Ичкарига кириб ухлашга кўрқардик, декорацияларнинг ҳар томонидан елвизак уриб турарди, у-бу хашорот чиқиб қолишидан чўчирдик. Шундай кунларнинг бирида совуқдан қалин кўрпаларга ўраниб, супада ширин уйқуда ётганимизда азонлаб эшик тақиллади. Бошқалар ҳам уйғониб кетишмасин деган хавотирда, тезда ўрнимдан туриб эшикни очдим. Қарасам, остонада бир тиланчи турибди, ёнида кичкинагина қизчасиям бор. Дастурхонда кечки овқатдан битта нон қолган экан, олиб чиқиб бердим. У раҳмат айтиб йўлга тушди. Мен эшикни ёпиб, уйқумни келган жойидан давом эттириш ниятида чўзилдим-у, аммо улгурмадим. Негаки, энди ёнимиздаги иккинчи ҳовлининг эшиги тақиллади. Бу яна ким бўлди, деган ўй билан ўша Ойпошша тикилиб қолган тирқишдан ўтиб эшикни очдим-у, қаршимда мен ҳозиргина нон бериб кузатган тиланчини кўриб ҳаммасини тушундим. У эса гап нимадалигини тушунолмай ҳайрон. Менга қараб жавдирайди, ранги қув ўчган. Тезда биринчи ҳовлига ўтиб, дастурхондан бу сафар ярим буханка нонни олиб келиб унинг қўлига тутқаздим. Унинг ҳайрат тўла кўзларига парво қилмай, эшикни ёпиб ўрнимга қайтиб келиб ётганим заҳоти хаёлимга келган: ҳозир бориб учинчи ҳовлиниям тақиллатади-ку, деган ўйдан сакраб турдим-да, дастурхондаги қанд-курсларни йиғиб, учинчи ҳовлининг эшигига бордим. Чиндан ҳам зум ўтмай эшик тақиллади.

Эшикда яна мени кўрган тиланчи энди тахтадек қотиб қолди. Мен ширинликларни қизчага узатар эканман, «Кино олаяпмиз... «Маҳаллада дув-дув гап» деган, дуо қилинг...» дедим. Ҳамкасбларим уйқудан туришганида воқеани айтиб бериб роса кулдирганман. Шунда талабчанлигимдан безор бўлган рассом: «Мана, кўрдингми, нуқул мени койийсан. Демак, суратларим шунчалик яхшики, қурган ҳовлимиз ҳақиқийга ўхшагани учун тиланчи ҳам келибди...» деб менга норозилигини айтганди...

* * *

Меҳри хола ва Ойпошшанинг ҳовлиси ўртасидаги эшик ўрнатилаётганда Марям Ёқубованинг гавдаси ҳисобга олинмаган экан. Ойпошша янгликни биринчи бўлиб эшитиш ниятида шу эшикдан ўтаётиб тикилиб қоладиган эпизодни ола бошладик. Айни шу пайтда чироқчиларимиз тушлик пайти бўлганини айтишгани учун бутун съёмка жамоасига бир соатга рухсат беришимга тўғри келди. Ҳамма тарқала бошлаганига қарамай, Марям опа ўша эшик орасида тиқилганча туравердилар. Биз бу у кишининг наватдаги ҳазили, деб тушуниб, парво қилмай тарқала бошладик: «Йигитлар, ёрдам берсангиз-чи, ростдан ҳам тикилиб қолдим», деганидан кейингина ёрдамга отландик.

Дилмурод УЗОҚОВ ёзиб олди

QADIM UD SOZIGA BOG'LIQ YANGI TOPILMA



Миллий созларнинг қадимийлиги, дастлабки кўриниши ва турлари ҳақида нодир маълумотлар археологик топилмалар орқали тасдиқланади. Бундай нодир топилмалар тўплами тобора бойиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг санъатшунослик институти мутахассислари томонидан топилган удчилар сопол ҳайкалчаларини бунга мисол қилиш мумкин. 2000 йилда Кампиртепада топилган иккита бир хилдаги ҳайкалча эра-миздан олдинги I аср ва эра-мизнинг II асрларига мансуб. Бош қисми мавжуд бўлмаган учинчи ҳайкалча 2007 йилда Эски Термиздан топилган бўлиб, эра-мизнинг II-III асрларига тааллуқлидир.

Шоҳона кийим кийган мусиқачиларнинг кўлида калта бўйинли сўғдча уд бор. Уларнинг тузилиши эса олдинги топилмалар орқали батафсил ўрганиб чиқилган. Асбоблар катта коса ва тўртта тор, резонатор коваклари ҳамда горизонтал тугиладиган бўйин — дастадан иборат. Удларнинг торли — чертувчи эканлигини ҳайкалчаларнинг кўл ҳолатидан ҳам билиш мумкин. Бутун ҳайкалчанинг кўл бармоқлари сал букилган бўлиб, бошсиз ҳайкалчанинг кўли торлар устида текис турибди. Ҳозирги дўмбира ва дуторлар айнан шундай чалинади.

Иккала асбобнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари мавжуд. Термиз удида резонаторнинг пастки қисмида сопол билан ёпиштирилган тор ушловчи мослама бор. Бундай уд Афросиёб, Холчаён, Марвдан топилган эра-миздан олдинги I асрга мансуб ҳайкалчалардаги удларга ўхшаш сопол ҳайкалча елкасидаги ёпинчиқ ва кийимидаги бурмалари билан афросиёблик ҳайкалчаларга ўхшаб кетади. Торларни бундай тутиш тартиби бугунги кунгача ҳам давом этиб келмоқда.

Кампиртепа асбобида тор тутувчи мослама йўқ, аммо бўйин — дастага тушиш декаси қалин бўлиб, одатда тор таглигини англатади. Бундай турдаги удлар ҳамда кийимлардаги ўхшашлик, яъни энглардаги безаклар, учбурчак ёқа 1980 йилларда Қадимги Термиздан топилган, эра-мизнинг II-III асрларига мансуб сопол ҳайкалчаларда ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, калта дастали катта уд тасвирланган антик Ўрта Осиё топилмаларининг янги турлари уднинг ниҳоятда кенг ҳудудда тарқалганини тасдиқлайди. Мусиқачилар тасвирланган ҳайкалчаларнинг кўплаб топилиши эса, ўз навбатида, бундай асбобларнинг қадимги Сўғд, Холчаён, Марв ва Бактрия мусиқий ҳаётида кенг тарқалганини кўрсатади. Шунингдек, удчиларнинг шоҳона кийими уларнинг баланд мавқеидан дарак бериб, коҳина — мусиқачилар ёки машҳур чолғучилар шундай мавқега эга бўлганини тасдиқлайди.

**Зулфия МУРОДОВА,
Санъатшунослик фанлари номзоди**

**Бир куйган ошиқ дунё ишларига этак
силтаб, олис сафарга чиқибди. Йўлда
ҳориб, бир кўл ёнида дам олмоқчи
бўлибди. Эрмак учун кўлдаги қамиш-
дан синдириб олиб, тешиқлар ўйибди.
Ясаган нарсасига ажабланиб, бир учи-
дан пуфлаб кўрибди. Ажиб, ҳазин куй
таралибди. Ошиқ куйни чалаверибди,
чалаверибди... Қамиш ўз куйидан
куйиб кул бўлибди. Чолғу-ку, жонсиз
эди. Унга куйган ошиқнинг ноласи жон
берди ва...**

Мусиқа санъати инсон маънавиятининг калитидир. Мусиқа орқали дунёни идрок этиш, тафаккурни бойитиш мумкин. Шундай мусиқалар борки, у ижро-чининг маҳорати туфайли тингловчининг кўнгил дунёсига кириб боради. Шу ерда яшайди, такомил-лашади ва яна бир бор уни тинглаш орзусида бўлади. Дурдона асарларимиздан «Шашмақом», «Тановор», «Муножот», ёки Бетховеннинг «Тўққизинчи симфония», Шубертнинг «Серенада», Моцартнинг «Реквием»ларини чин маънодаги инсон қалбининг куйлардаги инъикоси дейиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мусиқа биз тафаккур қилгандан кўра кўпроқ қудратга эга. Бунда чолғучининг маҳорати қанча бўлса сознинг ҳам аҳамияти шунчалик. Шундай куйлар борки, унда бирор мусиқа асбобининг ўрни алоҳида бўлади. Рубобнинг сохир товушини, доиранинг юрак ритмига хос овозини, ғиж-жакнинг мафтункор ноласини, скрипканинг ўйноқи оҳангини бошқа бир соз билан алмаштириб бўлмайди. Мусиқа маданиятида ҳар бир чолғунинг ўз ўрни бор.

Най — пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари сирасига кириб, ўзининг тарихига, чолғу сифатидаги ўрнига, овоз жозибасига эга. Найнинг товуши шундай нолакор, шундай оҳангдорки, дардчил кўнгилларнинг ғуборини ёзса, шодмон дилларни хаёлга чўмдириб, ўтмишнинг шоён кунларига бошлаб киради. Шунинг учун най ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Баъзиларида Довуд алайҳиссаломнинг қирқ йиллик тазарру кўзёшларидаги кўлдан унган қамишдан ясалгани учун ноласи ҳазин дейилса, баъзиларида хаста чолғучининг ҳасратларини оҳангга кўчиргани учун нолакор дейилади.

Бу чолғуни жуда кўп элатлар ўз миллий созлари қаторига қўшади. Шу сабабли найнинг турлари ва тарихи ҳақида мунозаралар бўлиб туради. Шундай бўлса-да, найни биз миллий созларимиз қаторида санаб, унинг тарихи, такомил, бугунги кундаги ўрни ҳақида бемалол гапира оламиз.

Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан археологик қазилма ишлари чоғида топилган, суякдан ишланган тўртта тешикли найни тарихчилар бундан 3300 йил олдин ишланган деб хулоса чиқаришган. Айритом шаҳристонини қазилмасидан топилган

созандаларнинг най, сурнай чалиб тургани тасвирланган тошга ўйилган суратлар ҳам най қадим миллий созларимиздан эканига далолат. Қадим ўзбек халқ чолғулари кўп асрлик ривожланиш жараёнида ўз хусусиятларини, товуш имкониятларини сайқаллаб келди. Най, қўшнай, сурнай, чанг, танбур, дутор, гижжак, уд, қобус созлари бугунгача такомиллашиб етиб келди. Бунда мусиқий созларни илмий асослаш, овоз имкониятларига алоҳида эътибор берган ҳолда таҳлил қилиш қадимдан мусиқашунос олимларнинг диққат марказида бўлган. Борбад Маврий, Хўжа Абдуқодир Мароғий, Абу Али ибн Сино, Қутбиддин аш-Шерозий, Дарвеш Али Чангий, Хўжа Нажмиддин Кавкабий, Абдураҳмон Жомий сингари бобокалонларимиз мусиқашунослик илмида ҳам улкан ишлар қилган. Уларнинг асарларида миллий чолғуларимиз, жумладан, най ҳақида ҳам алоҳида мажмуалар бор.

Най созининг тарихий шаклланиши машҳур устоз найчи ижрочилар номлари билан боғлиқ бўлиб, ҳар даврнинг улғу найчи созандалари ўзларининг бетакрор ижроси билан, найнинг бугунги мукамаллашувига олиб келганлар. Дурдона асарларни ижро этиб, шу соз учун махсус куйлар яратиб, найчи шогирдлар етиштирганлар.

XIII асрда яшаб, ижод этган Мавлоно Жалолиддин Румий:

**Тинглагил, най не ҳикоятлар қилур?
Айрилиқлардан шикоятлар қилур:
Ким наюстондин мени аюрдилар,
Ҳасратимдан эр-аёл қайғурдилар...**

деб ёзади.

Найнинг яқин ўтмишдаги тарихига назар солсак, Абдуқодир Исмоилов, Аюб Қодиров, Саиджон Калонов, Усмон қори каби беназир найчи созандаларимиз эл орасида шўҳрат топганига гувоҳ бўламиз.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб, най чолғуси созандалар ансамбли таркибида муносиб ўрин эгаллади, оммалашди ва мохир созандалар етишиб чиқди.

Бугунги кунда най ижрочилигига назар солсак, устоз найчилар анъаналарини муносиб давом эттираётган созандаларнинг кўплиги қувонарли ҳол. Бу йўлда устозлар яратаётган замонавий қўлланмалар, рисоалар аҳамиятли. Мусиқа мактабларида, билим юртларида, Ўзбекистон давлат консерваториясида Мирза Тоировнинг «Най» дарслиги, Аҳмаджон Собировнинг «Най наволари» қўлланмаси, Тоҳир Қаҳҳоровнинг «Най навоси» рисоласи ўқитилиб, ёш созандалар етишиб чиқишида беқиёс манба бўлмоқда.

Келажакда найшунос ёшларимиз най чолғусини ўқитишда замонавий технологияларни амалиётга киритишса, нур устига нур бўлар эди.

**Хуршид ОРИПОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси**



*«Тинглагил, най не
hikoyatlar qilur...»*

Madaniyat xabarlari

Қорақалпоғистон Республикаси. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Ёшлар маданият ва санъат» маркази ҳамкорлигида «Нима қилдик Ватан учун?» мавзусидаги ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар фестивали ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти, «Нихол» мукофоти совриндорлари ва ёш эстрада

юлдузлари ўзларининг куй ҳамда кўшиқлари билан иштирок этишди. Тадбирдан сўнг ижодкорлар билан Нукус шаҳридаги 12-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Андижон вилояти. Шахрихон туманида истеъдодли ёшлар иштирокида «Сен баҳорни соғинмадингми?» деб номланган шеърят кечаси ўтказилди. Ушбу тадбирда адабиётимизнинг кўзга кўринган вакилларининг шеърлари ўқилиб, қизиқарли сахна кўринишлари намойиш этилди. Адабиётга қизиқувчи ўқувчилар томонидан таниқли ижодкорларнинг нафақат ўзбек, балки инглиз, француз ва рус тилларига таржима қилинган шеърлари ўқилди. Устозлар тадбирда илк шеърый машқлари билан қатнашган ёш ҳаваскор ўқувчиларнинг шеърларига баҳо бердилар.

Жиззах вилояти. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бой маданий меросимизни тарғиб қилиш мақсадида «Баҳор тароналари» мавзусида энг яхши мусиқий асарлар танлови ўтказилди. Ушбу танловда вилоятдаги таълим муассасаларида тахсил олаётган бир қанча умидли ёш иқтидор соҳиблари кашф этилиб ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, вилоятда «Юртимга хуш келдинг, Наврўзой» мавзусида имконияти чекланганлар учун махсус байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят Меҳрмурувват шаҳарчаси фахрийлари, махсус интернат-мактаб ўқувчилари, Жиззах давлат педагогика институти ахборот-ресурс маркази ходимлари иштирок этди.

Сирдарё вилояти. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бошқармалари, вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Куйла, ёшлигим» номли республика кўрик-танловининг вилоят босқичи

Oy nuri-la yorishdi falak

Хаёлмиди кўрганим сени,
Гулбоғ узра гунафша гулим?!
Гулафшонлар ичра бир сени,
Алҳол топиб, ўртанди дилим...
Мана энди турибман жолам,
Ой нури-ла ёришди фалак.
Гулчамбарлар тақиб, бир олам
Гўзал хаёл — мисли камалак.
Ёт гўшалар, ёт бир манзилда,
Термуламан, кўзимда оқшом.
Шунда сени кўмсаб, аламда —
Кўзларимга кўнар намозшом...
Гўё руҳсиз ҳайкаллар янглиғ,
Тош бу кўнгил кутмас садоқат.
Муҳаббатдан топганим-оғриқ,
Сабрларим — гуллаган тоқат...

Ишқ фаслида кўнглимга мадад,
Тилар мудом гуллаган боғлар.
Умид гули яшнагай, шояд —
Васл йўли очилган чоғлар...

Мужда кутар озурда кўнглим,
Кўнглим эмас, руҳ очган кўзлар.
Ишқ ёмғири ёғар самодан,
Томчилари — ҳаётбахш сўзлар...

Манзар АБДУЛХАЙР

ўтказилди. Ёшлар орасидан янги иқтидорларни кашф қилиш, уларнинг ижодий изланишлари ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган ушбу тадбирда санъат йўлига кирган 50 дан ортиқ иқтидорли ёшлар жонли ижродаги қўшиқлари билан иштирок этдилар. Танлов ғолиблари республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Сурхондарё вилояти. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва адабиётининг ўлмас намуналаридан бири бўлган «Алпомиш» достони «Тафаккур» нашриётида 1000 нусхада қайта чоп этилди. Кўпчиликнинг талаб ва истагига биноан нашр этилган бу китоб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тоштемир Турдиев ёзиб олган вариантга асосланган. Денов туман ҳокимлигида ўтказилган мазкур китоб тақдимотида китобнинг ёшларни она юртга садоқат, мардлик, жасурлик, миллий аъноналаримиз руҳида тарбиялашдаги муҳим аҳамияти борасида фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси. Тошкент Фотосуратлар уйида «Бирга кулишайлик» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда инсон камолотига ғов бўлаётган айрим иллатлар ҳажв ёрдамида санъат ихлосмандларига намоён этилди. Карикатура, ҳазил суратлар, юмористик мазмундаги плакатлар тасвирий санъатнинг ўзига хос жанри бўлиб, инсон кайфияти, руҳиятидаги ҳолатларни акс эттириши, серзавқлиги, томошабинга тез таъсир ўтказиши, кувнок кайфият улашиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Кўргазмада М.Эшонкулов, Р.Азизов, Н.Свириденко, Ж.Мирзо, Ф.Тешаев каби карикатурачи рассомларнинг ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Қашқадарё вилояти. Яккабоғ туманида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Қарийб 596 миллион сўм маблағ эвазига тубдан таъмирланган маданият маскани биносидан 350 ўринли тадбирлар зали, машғулот ва тўгараклар хоналари ўрин олган. Эндиликда бу ерда яккабоғлик ёшлар халқ ижодиёти, амалий ва тасвирий санъат, бадиий ҳаваскорлик, рақс каби тўгаракларда ўз малака ва маҳоратини оширади. Вилоятда 2018 йилга қадар 74 та шундай марказ фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Дилфуза тайёрлади



Мақтублар Мақтублар Мақтублар

Мен «Тўлистон» журнаlining кўп йиллик муҳлисиман. Унинг йиллар давомида шаклланган ўз ўқувчилари бор. Албатта, улар турли ёш ва касбдаги одамлардир. Шунга яраша ҳар бир ўқувчи ўз дири ва талабига мос мақолалар, адабий асарлар кўтади. Мен журнални ўқиб бўлиб, танишларимга ҳам тавсия қиламан, барча сонларини тахлаб, йиғиб бораман. Сабаби журналда босилган адабий мақолалар, асарлар, мулоҳазали чиқишлар эскирмайди, қачон ўқисангиз ҳам ундан мазнавий озуқа оласиз. Келгусида санъат ва фанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийларимиз билан ҳаёт сабоқларига бой сўхбатлар қилинса, айни муқддо бўлар эди. Умуман олганда, «Тўлистон» журнаli ўз анъаналари ва мазмун-муқдарижасига эга нашр. Биз содиқ муштарийлар ҳар бир сонини интиқиб кўтамиз.

*Назира ОРОЛОВА,
Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги
16-қишлоқдаги мактаби бошланғич синф
ўқитувчиси*

Ассалому алайкум, «Тўлистон» журнаli таърифияти!

Менинг ва оиланимнинг севилими нашри бўлган журналга илк бор мақтуб ёзаётганимдан хурсандман. «Тўлистон» — мен учун самимий сирдош, ҳалис маслаҳатгўй ҳам. Унинг саҳифаларидан доим ўзим учун керакли бўлган мазмунларни топаман ва фарзандларимга ҳам ўқиб бораман. Адабиёт, табиат, жамият, тарих, болалар учун мўлжалланган саҳифаларни ўқиб, журналнинг ўқувчилари қамрови чекланмаганига амин бўлдим. Айниқса, мақолалардаги долзарблик, чуқур таҳлил менга кўпроқ манзур бўлади.

Бўш вақтларимда кроссворд тўлдирish учун яна журнални кўлимга оламан «Тўлистой» саҳифасидан ўзим учун керакли тавсияларни йиғиб бораман. Айниқса, теорият шайдоси бўлганим бос, журнални «Ифор» саҳифасидан бшлаб ўқийман. Мен севилими нашримиз саҳифаларида халқ ардоғидаги шоирлар, ёзувчиларнинг соғиниб ўқийдиган асарларини кўришни истардим.

*Санобар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Сурхондарё вилояти, Ковос тумани*



Anora



Go'zal Farg'ona vodiysining Kuyganyor qishlog'ida Azimjon degan bir bolakay bor edi. U bobosi bilan birga yashardi. Nega bobosi bilan deysizmi? Uning dadasi bilan oyisi uzoq safarga ketishgan edi-da. Shuning uchun u yozni bobosi bilan Kuyganyorda o'tkazayotgan edi.

Azimjon shaharda o'sgani uchunmi yoki ota-onasi biroz erkalatib yuborgan ekanmi, negadir hovlidagi yumushlarni bajarishda bobosiga yordam bermasdi, aytilgan ishni tanballanib zo'rg'a, qo'l uchida bajarardi. Shuning uchun bobosi uni tergapani tergapan edi:

— Umringdan baraka topgur, bolam, anavi gullarga suv quyib qo'yg'in, barglari qovjirab ketibdi, qo'ylargayam suv ber, jonivorlar chanqagan ko'rinadi.

— Bobojon, bir pas o'rtoqlarim bilan o'ynab kelay, keyin...

U shunday deb g'izillagancha ko'chaga chiqib ketar, bobosining aytgan gaplarini ham unutar edi. Bir kuni Azimjonni qo'shni bola Alisher uyiga taklif qilibdi:

— Azimjon, yur biznikida o'ynaymiz, men senga to'tiqushlarimni ko'rsataman, — shunday deb Alisher Azimjonning qo'lidan ushlab uylariga boshlabdi. Azimjon qushchalarni ko'rib rosa havasi kelibdi:

SABOQ

Ertak

— Vuy, buncha chiroyli, pista chaqishinichi, men ham bobomga aytib to'tiqush oldiraman, — u shunday deb uyga chopibdi.

— Bobojon, jon bobojon, menga ham to'tiqush olib bering, xo'p deng?

— E, bolam, qo'ysangchi, kim uni don-suvidan xabardor bo'lib turadi?

— Men, men qarayman!

— Sen-a, qo'ysangchi, qushlarni boqish oson emas, ular juda nozik bo'ladi.

— Men parvarish qilaman, xo'p deng, jon bobojon, hamma aytganlaringizni qilaman, xo'p deya qoling!

— Ha, mayli, lekin bilib qo'y, unga o'zing qaraysan.

Ertasi kuni bobosi shaharga tushib unga bejirim qafasda chiroyli ikkita to'tiqush olib kelibdi. Azimjonning sevinchi ichiga sig'mabdi:

— Urre, bobom to'tiqush olib keldilar, endi mening ham to'tiqushim bor...

— Xo'sh, mana bu idishdagi qushingning donlari, har kuni uch mahal unga don berasan, keyin vaqti-vaqti bilan suvini ham almashtirib turasan, olma, har xil mevalardan ham berib turasan xo'pmi, toychog'im?

— Xo'p bo'ladi, bobojon!

Ammo oradan bir-ikki kun o'tgach, Azimjon o'yinga berilib ketib tamoman to'tiqushlarini unutibdi. Bobosining qayta-qayta tayinlashlari ham unga kor qilmabdi. To'tiqush bechoralar ko'pincha och qolar ekan. Azimjon bo'lsa ko'chadan beri kelmas ekan. Qushchalar tez orada ozib-to'zib ketishibdi. Oxiri bobosi uni yoniga chaqirib debdi:

— Bolam, bechora qushlarni ko'p qiynamaylik, bilasan, mening yumushim ko'p, hali dalaga, hali bozorga boraman, qushlaringga qarasang qara, bo'lmasam ularni birortasiga berib yuboraman, yana uvoliga qolmaylik.

— Yo'q, bobojon, nega berar ekanmiz, endi bundan buyon, albatta, o'zim qarayman.

— Eh, qaniydi qarasang, bilmadim sen kimga tortding, dadang bunaqa emas edi. To'tiqushlarga rahming kelmasa, gullarga suv quymasang, ertadan kechgacha ko'cha changitib yuraversang, ha mayli, ishqilib ota-onang tezroq kelsin-da.

Oradan bir hafta o'tibdi, ammo Azimjon baribir bobosiga bergan va'dalarini bajarmabdi. Kunlardan bir kuni g'alati bir voqea bo'libdi-yu, Azimjon umuman boshqa bolaga aylanib qolibdi.

O'sha kuni bobosi Azimjonni uyda qoldirib, ertalabdan bir yumush bilan shaharga tushib ketibdi.

Azimjonning o'rtog'i Alisher ham, shu kuni dadasi bilan birga dalaga ketibdi. Yolg'iz qolgan Azimjon bobosi faqat mehmonlar kelgandagina olib kiradigan uyga — mehmonxonaga kiribdi. Nega deysizmi, axir dadasi olib bergan chiroyli rasmi kitoblar o'sha uyda ekan-da. Bir payt yengil shamol esib uy eshigi yopilbdi, Azimjon bunga parvo ham qilmabdi. Birozdan so'ng tashqariga chiqmoqchi bo'lib eshikni tortsa, ochilmasmish. U rosa urinibdi, lekin baribir eshikni ocholmabdi. Shunda u bobosining «Mehmonxonaning qulfini o'zgartirish kerak, bir bekilsa, ochilmaydigan bo'lib qolibdi, o'tgan kuni qamalib qolib deraza panjarasini buzib zo'rg'a ochdim», degan so'zlarini eslabdi.

Ammo bobosi qayta mustahkamlab qo'ygani uchun deraza panjarasini buzib chiqishga uning kuchi yetmabdi. Shunday qilib u uyda qamalib qolibdi. Baqirib qo'shnilarni yordamga chaqiribdi. Ammo uning ovozini hech kim eshitmabdi. O'pkasi to'lib, «oyi», «dada» deya yig'lay-yig'lay uxlab qolibdi. Bir payt u qo'ylarning ma'rashidan uyg'onib ketibdi. Kun bo'yi uyda qamalib o'tiribdi. Qorong'u tushibdi, lekin bobosidan darak bo'lavermabdi. O'tirib rosa qorni ochibdi. U «Eh, qani endi qotgan bo'lsa ham bir burda non bo'lgandaydi», deb o'kinibdi. Chanqaganidan lablari quruqshab ketibdi. Shunda birdan uning yodiga to'tiqushlari tushibdi:

— Bechora qushlar — debdi u. — Har kuni shunday qiynalishar ekan-da, men bo'lsam, ularga suv ham, don ham bermasdim. Qo'ylarchi, bobom ularga ham yem va suv berib ketganmikin?

Yaxshiyam bobosi kelib qolibdi-yu uning ovozini eshitib bir amallab qulfini buzib uyni ochibdi. Azimjon dastlab o'zini bobosiga otibdi, so'ngra yugurib ketibdi. U to'g'ri borib, avval qafasdagi to'tilariga don-suv, og'ilxonada ma'rayotgan qo'ylarga ham yem-suv beribdi, so'ngra uyga kirib bir to'g'ram non olib chiqibdi, paykaldan pomidor uzib chiqib ishtaha bilan yeya boshlabdi. Bu holni kuzatib turgan bobosi miyig'ida kulib qo'yibdi.

Shunday qilib Azimjon o'zgaribdi. U endi har kuni ertalab turib avalo to'tiqushlariga don-suv, qo'ylarga yem beradigan, so'ngra gulzordagi gulu rayhonlarga suv quyadigan bo'libdi.



QO'G'IRCHOQ'IM

Ko'zlari munchoq-munchoq,
Men tanlagan qo'g'irchoq.
Kiprik, ko'z, qoshi qora,
O'rilgan sochi qora.

Ko'ylakchasi atlasdan,
Ko'zing yonar havasdan.
Yuzida hayosi bor,
Qarashlari maftunkor.

Bir iboli boqar u,
Hammamizga yoqar u.



Kitob

Men kitobman, kitobman,
Misoli bir oftobman.
Nur istarga nurdirman,
Yo'lsizlarga yo'ldirman.
Ilmning men koniman.
Odobning makoniman.
Aqlsizga aqlman,
Hikmatli so'z — naqlman.
So'z, imlo jonu tanim,
Maktab erur vatanim.



TINISH BELGILARI AYTISHUVI

So'roq belgisi

Ko'rinishi o'roqman,
Yomonlikdan yiroqman.
Savollarning so'ngida
Javob kutgan so'roqman.




Vergul

Men ilmning ko'ksida
Urib turgan bir dilman.
Gapni gapdan ajratgan
Didi baland vergulman.



Undov

His-hayajon bag'rimda
Chatnab turgan bir olov.
Meni tiklar oyoqqa,
Chaqiriq, ta'kid, undov.



Nuqta

Men nuqtaman, nuqtaman,
O'z ishimga puxtaman.
So'zlagan har so'zingdan
Darak, xabar kutaman.





Бир кўлишайиқ



Келин

Хай, келинпошшалар-у, олтинга тенг маслаҳатларим бор, чиройли кулоқчаларингизга зирак қилиб тақиб олишга шошилинг!

Ёшликни умр баҳори деганларича бор экан, фирр этиб ўтиб кетганини билмай қоларкансиз. Ўрта ёш — ўша баҳордан кейинги ёзнинг давоми ҳам лип этиб ўтиб кетаркан. Янги келинликда қайнисингил, қайнагачи деганлар душман бўлади, десам ошириб юборган бўламан-у, шпион бўлиб камчиликларингизни қайнонангизга

хаммаси вақтинча экан. Энди тўй-ҳашам баҳона учрашмаса, алоҳида бир-бирини изламайдим. Қани энди ўшалардан бирортаси келсаю эримни чойхонапойхонага олиб кетса. Ярим кунгина бўлсаям кулоғим тинармиди? Йўқ, чидаб ўтиришга мажбурман. Шу инжиқ чолни бир пайтлар қандай яхши кўрган эканман-а?!

Ёшликда эргинам дам олиш баҳона тоғ-поққа чиқиб кетса, бир ҳафта аразлаб гаплашмасдим. Аҳмоқ эканман! Агар ҳозир ҳар кун тоққа чиқаман десаям, миқ этмасдим, ўлай агар. Мен бечорагайм уйда тоза ҳаво кўпроқ бўлармиди? Чолдан эрта-ю кеч эшитадиганим фақат таъна-дашном. Худди этагимга ёпишиб олгандай қадам-бақадам кетимдан юради. Соям мендан ажралса ажраладики, у ажралмайди.

«Хув, пошша, фалон нарсам

Тавба, дейман, барча камчиликларимни ёдида сақлаб қолганини қаранг. Йилма йил, ойма ой айтиб беради-я?! Бирортаси эсидан чиқмабди. Кечкурун пайпоғини қаерга ечганини эслолмайди-ю, менинг хатоларимни ипидан игнасиғача эслайди. Хотира деганим галати нарса эканда, айланайлар! Керагини эсламай... Ана шунақа куним чолимга чой дамлаш, унинг эса менга лой чаплаши билан ўтаяпти, десам ишонаверинг.

Хўв, кампирпошшалikka номзодлар, эргинам мажлисга деб пўрим кийиниб чиқиб кетди, деб ҳечам куюнманглар. Вақти келиб менга ўхшаб бу кунларни кўмсаб ўтирасизлар. Қани энди ўшанақа мажлисларга ҳеч бўлмаса бир ойда бир марта нафақадаги чолларниям чақириб туришса! Кўксимга шамол тегармиди?

QO'SHA QARIB YASHAYOTGANLAR

етказиб туришга хизмат қилади, биламан. Бир пайтлар мен ҳам жабрини тортганман. Лекин шундай бўлсаям уларга ёмон гапириб, асло орани бузманг. Бир кун келиб керак бўлиб қоларкан.

Эр қариган сари хотини кўзига алвасти бўлиб кўрина бошларкан, айланайлар. Кунда уч маҳал овқатланиб, олти маҳал уришадиган бўлиб қоларкан. Ана ўшанда жонингизга ўша қариндошлар оро киради. Улар билан оқибат ришталари маҳкамгина боғланган бўлса, аёлига аллергияси тутиб қолган пайтда эр жониворлар ҳеч бўлмаса 3-4 кун туриб келишига тайёргина жой бўлади. Шу баҳона ҳарна 3-4 кун енгил нафас олишингизга имкон яратилади. Ана шунақа!

Э, ўтди даврон, кетди карвон... Эримнинг дўсти кўп, душанба куну бирортаси билан учрашиб қолса, келгуси душанбагача бир-бирларидан ажратиб бўлмайди, деб хафа бўлган пайтларимни кўмса-япман. Бу базми-жамшидларниям

yohud

CHOLNING KAMPIRI BO'LISH OSONMI?

қани? Хўв пошша, пистон нарсам қаерда?» деб жонимни олади. Ёшим олтмишдан ошибдиямки, ҳалигача ҳар бир қадамим ҳисобда. Телефонда биров билан яйраб гаплашолмайсан... Меҳмонга бориб, хотиржам ўтиролмайсан... Шуям ҳаётми?! Овқат егандаям ёнида официантдай қаққайиб туришинг керак, ёнида турган қошиқми, мурчми, олиб бермасанг, ўзи ололмайди.

— Менинг қадамимни санашдан бошқа ишингиз қолмадимми? Боринг, чойхонада чоллар билан мазза қилиб чақчақлашиб келсангизчи, деб чиқариб юборсам... Чорак соат ўтмай уйга қайтиб келади. Чинқириб юборишдан ўзимни зўрға тўхтатиб қоламан. Энди буёғи «чой базм». Аслида чой эмас, лой базм. Чойни ичиб, эллик йиллик иддаоларини бошлайди.

Ана шунақа, чолнинг кампири бўлиш ҳам осон эмас, гиргиттонлар. Энди худониям, тавбаниям, айтиш керак. Тўғри, менку чидамаяпман, чолимни менга чидаб келганига раҳмат. Қирқ йил қалампир чайнагандай ўтиш осон эканми? Айтганларим, бу бир гап, юрагимни бўшатволдим-да! Вақти келса бир кунда чолим билан ўн бор уришиб, ўн бор ярашамиз. Чойхонага чиқсин дейман, қаерда, кўчага чикса кайтиб келгунча кўзим тўрт бўлиб кетади. Тавба-ей, одам деган жонининг эговиниям шунча кутади-ми?

Энди буни меҳр дейсизми, муҳаббатми, у ёғини ўзингиз биласиз. Мана шундай уришсагам, талашсагам, бирга-бирга кўша қариб юрайлик! Сизларгайм бизга ўхшаб кўш кабутардай «ғув-ғувлаб» юриш насиб этсин!

ХАДЯХОН бувининг дардларини хатга туширувчи Дилдора НАЗАРОВА

Кибет ошиқлар

Ярми ҳазил, ярми чин

Бир замонлар ошиқ йигитлар,
Севгилисин чақирмоқ учун.
Деразага тошлар отарди,
Кўтаролмай ҳижроннинг юкин.

Хат тутқазиб ё ёш боладан,
Суйганига йўллашар эди.
Кунлар, ойлар бир ойга боқиб
Ғойибона сўзлашар эди.

Замон зайли ажаб, хўб қизик,
Эскирибди ошиқлар иши:
Энди севган йигит-қизнинг ҳам
«Iphone» бўпти, қаранг, ташвиши!

Тош отмоқ ҳам ўтмишда қолмиш,
Хат йўллашга ҳожат йўқ эмиш.
Тунлар «Chat»да сирлашса бедор,
Кундузлари SMS келмиш.

«Instagram»нинг муждасин ажаб,
Қанча ошиқ-маъшук пойлайди.
Тухумидан чиққан жўжа ҳам,
Суратини унга жойлайди.

«Telegram» ҳам дейдими яна,
Қанча Мажнун унда бўзлайди.
Хув кўчадан, хиёбонданмас,
«Online»да тенгин излайди.

«Smartphone»ин тугмасин босиб,
Қизнинг «девори»га «бўйлайди».
«WhatsApp» деган чопар дастёрдан,
«Мен келдим!» деб хабар йўллайди.

Инглизми, фаранг ё хитой,
Ҳинд, хабашми, араб ё япон.
Йигит-қизнинг қалбин улайди,
Фалати бу қутича — «Iphone»!

Ўргимчакнинг тўридай нозик,
Дунё бўйлаб таралган бу «сеть»
Нималарни ўйлаб топдинг-а?
Нима қилиб кўйдинг, Интернет?!

Ошиқларнинг учрашув жойин,
Ўқиб, бошдан эсинг кетади.
Осиёлик йигит изхори,
Зумда Амриқога етади.

Бири Мағриб, Машрикда туриб
Кўришсак, дер эрта саҳарда.
Мен Лондондан етиб бораман,
Учрашамиз «Тож Маҳал»да!

Бири дейди, — Мексикадан мен,
Бўйинг туйдим гул нафасида.
Сен Деҳлидан кел, кўришамиз,
Эрта Эйфель минорасида.

Манзилларни асло чеки йўқ,
Бири дейди Хитой девори.
Бошқасига Эверест ёқар,
Кумушданмиш у ернинг қори!

«Биг-Бэн» дейди ва ё «Колизей»,
«Бурж Дубай»дан йўллашар салом.
Дунё ошиқларин жам қилар,
Интернетда ёзилган калом!

Кўпайибди шунданми ажаб,
Электрон дилли «овчи»лар.
Бу кетишда ишдан айрилиб,
Қолмасайди яна совчилар.


Майли, замон таҳририн қилсин,
Қулоқ осинг лекин маънига.
Электрон муҳаббатингиз,
Гард солмасин қизлар шаънига.

Сал-пал биз ҳам биламиз буни,
Дилингизга тушса «вирус»лар.
Мадад учун доим шай турар,
Ахлоқ деган «антивируслар»!

Унутманг ҳеч аждодларингиз
«Алжабр»нинг эгаси асли.
«Корзинка»га ташлаб юборманг
Бу сўзим, эй Навоий насли!

Бир оз ҳазил қилдим мен гўё,
Ҳазилимни чин сўзга йўйинг.
Юракдаги гапимни айтдим,
Ёққан бўлса, «Like» қўйиб қўйинг!

MM_65



— Умида опа, назаримда, кўкламдаги уйғониш, гўзаллик, янгиланиш одамлар, айниқса, опа-сингилларимиз кўнглига, кайфиятига ҳам кўчиб ўтгандай...

— Ҳа, баҳорни бежиз уйғониш фасли, деб атамаймиз. Айниқса, қишнинг аёзли кунларидан бироз зериккан одам, баҳорни ички бир соғинч, талпиниш билан қарши олади. Далалар, қир-адирлар қор кўрпасини очиб ташлаб, яшилликка, турли чечакларга бурканади.

Кўкламда табиат бутунлай ўзгаради. Куёш чарақлаб, дарахтлар гуллайди, ҳаммаёқ гулистонга айланади. Бу ўз навбатида одамларнинг, айниқса, опа-сингилларимиз, болажонлар руҳиятида яққол намоён бўлади. Шу боис инсоннинг кайфияти ҳам кўтарилиб, шунга хос тарзда кийингиси, ясангиси келади. Яъни янгиланиш даври бўлгани учун кийимда ҳам ўзгаришлар юз беради. Баҳорий ранг, мато, бичим танлашга алоҳида эътибор қаратилади.

— Баҳорда байрам, сайиллар кўп, бу эса байрамон ва айни вақтда, замонга ҳам мувофиқ кийинишни талаб қилади...

ҳам мавжуд. Айни пайтда мода жуда ҳам жадал тарзда ривожланиб бормоқда. Мода — кечаги кунни тан олмайдиган, ўз ўрнида мумтоз ранг ва бичимларга таяниб, уларни янада ривожлантириб, кийимларда акс эттирадиган ўзига хос жараён.

Шундай экан, мода оламидаги янгиликларга ўзимизнинг миллий бичимларни ҳам уйғунлаштириб, либос намуналарини яратсак, изланишларимиз самарали бўлади. Модага қизиқадиган қизларимиз жаҳон модасига бир ёклама тақлид қилмай, миллий модаларни ҳам ўрганиб, кийинишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, бу кийимларни ўз юртимизда қиядиган бўлса, барчанинг, аввало, ота-онаси, атрофидаги яқинлари ҳамда ўзининг кўзи қувнайди. Мабодо, хорижга чиққан тақдиримизда ҳам, либослар бу борадаги гўзал миллий анъаларимизни намоён этиб туради.

Мода ҳам бошқа анъаналар қатори асрлар давомида ўзгариб, сайқалланиб келган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадал ривожлана бошлади. Бугунги кунга келиб эса, тайёрланаётган кийимлар битта мавсум билан чекланяпти. Масалан, кузда дизайнерларимиз томонидан тақлиф

Qizlarimiz liboslarida bahoriy go'zallik mujassam

Баҳор мўъжизавий фасл, дегим келади. Унинг ташрифи кўнгишларни янгиланишга, яшаришга ундайди. Гул очган куртак гўзал, юз очган япроқ гўзал, ҳатто, ёмғирли, булутли кунларнинг ҳам ўзига яраша файзи бор. Бу гўзаллик ўз-ўзидан кўнгишга кириб келиб, инсонлар юз-кўзида, ташқи кўринишида ўз ифодасини топади. Қорли-қировли кунлардаги қалин кийимларимиз ўрнини кўкламнинг минг бир рангига мос турфа енгил либослар эгаллайди.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти «Либослар дизайни» кафедраси мудири Умида Раҳматуллаева билан айни баҳорий либослар хусусида суҳбатлашдик.

— Баҳорда миллий байрамларимиз анъанавий қадриятларимизга мос тарзда кийиниш мақсадга мувофиқ. Баҳор турфа ранглари билан кириб келади, ундаги барча ранг миллий матоларимизда мужассам. Шунинг учун байрам, сайилларда, тўй-ҳашамларда ҳозир атлас, адрас, беқасам, шойи матолардан тикилган кийимлар кўпроқ кийилмоқда. Чунки улардаги ёрқин ранглар, аввало, кийган одамнинг гўзаллигига гўзаллик қўшиш билан бирга, унга кўтаринки кайфият ҳам беради.

Замонавий либослар хусусида гапирадиган бўлсак, ҳаммиша миллий ўзлигимиздан келиб чиқиб кийинишни тавсия этган бўлардим. Ҳар бир даврнинг урф бўлган кийимлари бўлади. Шунингдек, йиллар давомида қадри ва ўрнини йўқотмайдиган русумлар

қилинган либосларни, баҳорда тавсия қилолмаймиз. Қайсидир маънода уларнинг ранги, бичими урфдан қолган бўлади. Шу боис дизайнерлар ўз ижодидан келиб чиққан ҳолда янги-янги либосларни тақдим қилишяпти.

Ҳозирги кунда Шарқдан, Фарбдан турли хил либос намуналари кириб келаяпти. Лекин бу борада ҳар бир халқнинг ўзига хос асрий анъаналари, қадриятлари бўлади. Қизларимизда ўзбекона нафислик, латофат, гўзаллик тимсоллари кўриниб туриши керак. Шунга мос кийиниш зарур деб ўйлайман.

— Миллий матоларимиздан адрасни кўпроқ қиямиз, яхши кўрамыз. Шу ўринда адрас матоси борасида тавсияларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Бизнинг юртимиз нисбатан иқлими иссиқ минтақада жойлаш-

ган. Айниқса, баҳор, ёз ойларида танлаган кийимимиз танамиз нафас олиши учун қулай бўлиши, уни сиқиб қўймаслиги, қиздириб юбормаслиги лозим. Адрас — ипакка пахта аралаштириб тўқилгани боис, айнан мавсумбоп мато ҳисобланади. Ҳозир бўз аралашган адраслар бор. Айримларини кундалик ҳаётда бемалол кийса бўлади. Уни ювсангиз ранглари кетмайди, ҳавони яхши ўтказиши. Дизайнерларимиз халқаро сахналарда замонавий руҳ ва миллий бичимни кўп қўллашади. Миллий фестивалларда адрасдан кенг фойдаланилади. Авваллари адрас кўпроқ тўй-ҳашам, байрамларда кийилган бўлса, ҳозирда талаба қизлар, келинчаклар кундалик либосларида адрасдан кенг фойдаланишяпти. Ҳар бир аёл-қизларимизнинг гардеробида адрасдан бўлган кўйлак, костюм, пиджак, сумка, қопчиқ, шарф, дўппи сингари аксессуарлар бор. Адрасда шундай хусусият борки, аввало, кийган одамнинг ўзи яшнаб кетади. Айниқса, ёзнинг иссиқ кунлари учун бўз адрасни тавсия қиламан.

Бугунги кунда жаҳон дизайнерлари ҳам миллий матоларимиздан адрас, атласга кўп мурожаат қилишмоқда. Ундаги ёрқин ранглари уйғунлиги дизайнерлар илҳомини келтиради, янги либослар яратишга ундайди. Айниқса, уни хорижлик дизайнерлар жуда қадрлашади, совға қилганимизда хурсанд бўлиб ўзлари билан олиб кетишади.

— Шу ўринда миллий бош кийимларимиздан дўппи ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Тарихга назар солсак, ўзбек аёли бош кийимсиз юрмаган. Дўппиларнинг тури, хили кўп бўлган. Ҳар бир худуднинг ўзига хос дўппилари мавжуд. Шунингдек, ўсмир қизлар, қизалоқлар, келинчаклар қиядиган дўппилар ҳам бир-биридан фарқ қилган. Бунда гули, ранги, тикилиш услуби, нақши, бичими аҳамиятли. Ҳар битта дўппидаги нақш, албатта, бирон бир рамзни билдириб турган. Гуллар яхшилик рамзи бўлиб, унинг ўсиб-униши, куртак отиши, гуллаши, мева бериши, буларнинг ҳаммаси ҳаётдаги давомийликни билдиради. Қишдаги иссиқ либослардан кейин баҳорда бош кийими ҳам ўзгарган. Дўппига эътибор қилсангиз, баҳорнинг бир бўлагига ўхшайди. Шунинг учун ҳозир ҳам қизлар чамандагул дўппини баҳорда кўпроқ кийиб юришади. Дўппи кийган қизларга муносабат ҳам бошқача. Аввало, қизларнинг ўзлари истаб, яйраб кийишмоқда.

— Баҳор ойларида қизлар

сочпопук тақишлари ҳам урф бўлган. Ҳозир раққоса қизларимиз, байрам иштирокчиларида сочпопукни кўриб, кўзларимиз яшнайдими.

— Қизларнинг сочлари қанчалик узун бўлса, шунчалик нафис кўринади. Қадимдан қизлар сочларини қирқ кокил қилиб ўриб юришган. Аслида сочни майда ўришда ҳикмат кўп. Сочини майда ўрган қизлар қаддини тик тутиб юришади, букчайиб қолишмайди. Сабаби, сочлари ён-верига тушиб ҳалақит бермасин, деб елкани кенг тутишади. Шунда қизлар меъёрида ривожланади. Баҳор фаслида унинг гўзаллиги, нафислигини билдириш, қолаверса, кичкина қизалоқларнинг сочлари узун бўлмагани боис, толнинг шохларидан сочпопуклар билан жама-лаклар қилишган. Мажнунтолнинг шохларидек узун, тезроқ униб, ўссин дея ниятлар қилишган. Сочпопук нам бўлгани учун ўз ўрнида соч толаларини ҳам озиқлантирган. Момоларимиз ҳеч бир ишни беҳикмат қилишмаган.

— Гўзаллик, кийиниш, пардоз, турмак, юз парвариши бўйича тавсияларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Гўзаллик — кенг қамровли тушунча. Инсон қачон гўзал бўлади, ташқи гўзаллиги билан ички дунёси уйғун бўлса. Лекин аёл-қизлар доимо қаерга боришига қараб, кийими, пардоз, турмагига эътибор бериши шарт. Уйда, ишхонада, меҳмонда бўладими, ўз услубини танлаб, шу асосда кийиниб, албатта, ўзини парваришлаши лозим. Негаки, чиройли кийиниш инсон кўнглида ўзгача кайфият уйғотади. Соч турмаги аёл кишида энг асосий элемент ҳисобланади. Соч ва пардоз аёлни бутунлай ўзгартириб юборади. Ҳамма нарса меъёрида бўлиши шарт. Урф бўлган пардоз-андозга эргашиб, бачкана кўриниб қолгандан, ўз услуби ва борадиган жойига қараб ясангани яхшироқ. Албатта, аксессуарлардан ҳам меъёрида фойдаланиш керак. Ҳамма аёл гўзал, лекин гоҳида айрим аёлларимиз меъёрга амал қилмай янада гўзал бўламан, деб борини ҳам йўқотиб қўйишади. Аслида аёл эътибордан, меҳрдан гўзаллашади. Бизнинг аёлларимизда буларнинг ҳаммаси бор. Ёнига ўз латофати, назокати ва иффати, ҳаё ва ибосини ҳам қўшса, нур устига нур бўлади.

— Самимий суҳбатингиз ва тавсияларингиз учун раҳмат.

Нигина ҚОДИРОВА
суҳбатлашди



Ikir-fikrlar

Келин билан кўчага чиққанингда иложи бори-ча йўлнинг савдо дўконлари йўқ томонидан юрсанг, уйингда барака бўлади.

(Отанинг янги уйланган ўғлига илк насиҳати)

Дадажониси, гул олиб келганингиз учун раҳматку-я, шу гул сўзидаги «г» ҳарфини «п»га алмаштириб келганингизда унданам яхши бўларди-да!

(Хотиннинг эрига эркаланиб айтган гапидан)

Кенгуру жуда шуёр ҳайвон, бирор хавф туғилиб қолса, дарҳол боласини ички чўнтагига яшириб олади.

(Зоология ўқитувчиси дарсида)

Бирам кун исиб кетдики, дугонажон, шу узугимни ечиб қўйсаммикин-а?

(Янги узук таққан мақтанчоқ келиннинг гапидан)

Тўхтаб тур, оғайни, ҳар эҳтимолга қарши қон босимини туширадиган дори олволайлик, буларга кўпам ишониб бўлмайди.

(Футбол кўришга кириб кетаётган ишқибознинг гапи)

— Сенга уйланганимдан буён бошим галвадан чиқмайди, одамни илондек авраб, маймундек ўйнатасан-а?

— Қўйинг дадаси, хафа бўлманг, буниям ўзига яраша гашти бор-да!

(Эр-хотин суҳбатидан)

Musahhih daftaridan

У учрашувга ичкиб (кечкиб) келди.

Битта қўй (тўй) қилиш учун камида иккита тўй (қўй) керак.

Тил(қил)дан қийиқ ахтарди.

Ҳасратидан ранг (чанг) чиқади.

Дўст бўлиб бир марта молим(ҳолим)дан хабар олмадинг.

У охири пул(тил)дан қолди.

Кел қовоғим (товоғим), бор қовоғим (товоғим).

Унинг дўстга садоқати ўқ (йўқ) эди.

Сен учун ноним(жоним)ни беришга тайёрман.

ДИЛКАШ

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Вазирлик тасарруфидаги Фарғона олимпия захиралари коллежи, Самарқанд олимпия захиралари коллежининг ўқув, маънавий-маърифий, спорт ишлари бўйича директор ўринбосарлари, Жиззах олимпия захиралари коллежи ўқув, маънавий-маърифий ишлари, спорт ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларига, Навоий олимпия захиралари коллежи маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига, Наманган олимпия захиралари коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари лавозимига, Жиззах санъат коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, Урганч санъат коллежи ўқув ишлари, Урганч олимпия захиралари коллежи маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, Тошкент маданият коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, Фарғона санъат коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига, Тошкент вилояти Бекобод санъат коллежи директорининг ўқув, маънавият-маърифат, касбий таълим бўйича ўринбосари лавозимларига замонавий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали, чуқур касбий билимга, ижодий ва илмий потенциалга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган номзодларни саралаб олиш бўйича Т А Н Л О В эълон қилади.

Танловда малака даражаси катта ўқитувчидан кам эмас, таълим муассасаларида камида беш йиллик педагогик иш стажига эга бўлган, илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр дипломига эга мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳри, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Наманган, Хоразм, Тошкент вилоятлари маданият ва спорт ишлари бошқармаларига тегишли ариза, сўровнома ва таржимаи ҳол, маълумоти, илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари, илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса); 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат; даъвогарлик қилаётган лавозим бўйича ихтиёрий шаклдаги ёзилган режа (концепция) билан мурожаат қилишлари лозим.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бешлаб, 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Қўшимча мурожаат учун: (0 371) 239-44-91

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ҲИКМАТЛАРИ» МУАММОМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Калит сўзлар: 1. Дарё. 2. Пари. 3. Кичик. 4. Бор. 5. Фарз. 6. Уй. 7. Нақл. 8. Хислат. 9. Мурувват. 10. Темир. 11. Фурур. 12. Хурмати. 13. Иш. 14. Сўзига.

Ҳикматлар: Базм кун ишлар сафида сўзла, Аммо иш тадбирин кексадан изла.

Ёш ҳар қанча бўлсин ишда ғайратли, Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.

Ҳусрав Дехлавий
Ҳикмат: Кексани кўрсанг «бобом» де.



«АРДОҚЛИ ШОИРА» МУАММОНОМАСИ

Аввал Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ҳаёти ва ижодига оид куйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. Зулфия узок йиллар муҳаррирлик қилган хотин-қизлар журналы — **15, 3, 1, 12, 3, 7.**
2. Ижод соҳибасига халқаро миқёсда шуҳрат келтирган достон — **10, 14, 20, 1, 2, 5, 3.**
3. Умр йўлдоши Ҳамид Олимжон достони асосида кўғирчоқ театри учун ёзган «Семурғ» пьесаси қаҳрамони — **11, 3, 5, 2, 9, 1, 12.**
4. Зулфиянинг дастлабки шеърий тўплами — **27, 3, 16, 7. 23, 3, 5, 3, 13, 3, 4, 3, 5, 2.**
5. Машҳур шеърларидан бирининг номидан: «**18, 22, 4, 2, 10** сира бўлмади уруш».
6. Ижодкорнинг «Кўёшли қалам» достонида сўнги сафари баён этилган атоқли ўзбек адиби, академик — **1, 25, 8, 21, 19.**
7. «Соғиниб» шеърдан: «...Шу кунларда **8, 3, 27, 1, 5, 26, 3** зорман, Навжувонлик ўти танда йўқ.

Куз сингари **9, 3, 24, 29, 3, 5, 1, 6** рухсорман, Мевалар ҳам шохлардан узук...».

8. «Мен ўтган умрга...» шеърдан:

«Кийганим ипакми, читми ё **19, 2, 14, 17, 1, 8.**

Юрак бойлигидан қилмабман парво.

Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
30, 6, 26, 2 кўшиқ талаб унда ҳар сабоқ...»

9. Зулфияни устоз деб билган Ўзбекистон халқ шоири, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби — **27, 1, 28, 2, 21, 23, 3.**

Энди калит сўзлар жавоблари асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириш орқали муаммонгани халқ этинг. Шунда улардан ардоқли шоирага бағишланган шеърдан тўрт мисра, шеърнинг номи ҳамда унинг муаллифи бўлган шоирни билиб оласиз. Шакл атрофидаги рақамлардан эса ардоқли шоира сазовор бўлган халқаро мукофотлар аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузди




MUSAVVIR ABDUHAKIM KARIMOV IJODIDAN NAMUNALAR



Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли миниатюрачи rassom Абдуҳаким Каримовнинг асарлари юртимизда миниатюра санъатининг қадимий анъаналари замонавий тамойиллар асосида ривожланаётганидан далолат беради. У ўз асарларида инсоннинг ички кечинмалари, ҳаётнинг маъно-мазмуни, халқимизнинг боқий анъаналарини ақс эттиришига интилади.

Мусаввирнинг ижод намуналари мамлакатимизда ташиқил этилган қатор кўргазмаларда, халқаро танловларда намоиши қилинган. Миниатюра санъатига қўйган ҳиссаси, бу йўлдаги кўп йиллик меҳнатлари учун мусаввир 2012 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган.

– Шаҳару қишлоқларимизнинг кундан-кун обод бўлиб бораётгани биз, ижодкорларга куч-гайрат, илҳом бағишлайди, – дейди Абдуҳаким Каримов. – Айниқса, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиб бораётгани қалбимизда чексиз ифтихор туйғуларини жўши урдиради, янги-янги асарлар яратишига, миллий тасвирий санъатимизни жаҳонга намоиши қилишига ундайди.





4 79.11



O'ZBEK DAVLAT SIRKI
BARCHA YURTDOSHLARIMIZNI
NAVRO'Z
BAYRAMI BILAN
MUBORAKBOD ETADI

ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.